

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“ИҚТИСОДИЁТ ВА КЎЧМАС МУЛКНИ БОШҚАРИШ”
КАФЕДРАСИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: ТУРАР ЖОЙЛАР ГАЗ ТАЪМИНОТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Талаба. Юсупов Н.
БМИ рахбари Ибрагимов С.О.**

Тошкент-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ТУРАР ЖОЙЛАР ГАЗ ТАЪМИНОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	
1.1 Шаҳар ва турар жойларнинг газ таъминоти тизимлари	5
1.2 Турар жой биноларида газ билан таъминлаш хизмат кўрсатиш тизими	12
1.3 Чакана истемолчиларга газ етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш	27
II-БОБ. “ЧИРЧИКШАҲАРГАЗ” ФИЛИАЛИДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ	
2.1. Республика газ таъминоти соҳаси умумий таҳлили	36
2.2. Чирчиқ шаҳри газ таъминот тизими таҳлили	46
2.3. “Чирчиқшаҳаргаз” филиалида газ таъминоти ва хизмат кўрсатиш тизими таҳлили	52
III-БОБ. ГАЗ ТАЪМИНОТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	
3.1. Турар жойлар газ таъминоти яхшилаш йўналишлари	56
3.2. Табий газ таъминоти соҳасини ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари	63
ХУЛОСА	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликдан кейин газ анча кучайди. Ўзимизга ўтгандан кейин газ сиёсатини қайта ишлаб чиқишга тўғри келди. Ҳозирги кунда газ бирламчи энергия ресурси сифатида Ўзбекистонда энергия олиш бўйича 83%ни ташкил этди. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг кейинги босқичидаги вазифаларни ҳал қилиш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Табиий газ сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш, республика газ таъминоти тизимини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, ҳисоб-китоб-тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 октябридаги 421- сонли "Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2003 йилгача ишлаб келган республика бўйича марказлаштирилган газ таъминоти бошқаруви тугатилиб, ҳар бир ҳудудда мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган ҳудудий газ таъминоти корхоналари ташкил этилди. Бу эса республикамиз газ таъминоти соҳасини бозор муносабатларига боқичма-боқич ўтишидаги ўзига хос бир қадам бўлиб хизмат қилди. Бу жараённи амалга ошириш даврида ҳудудларда газ таъминоти соҳасида маълум даражадаги иқтисодий ва ишлаб чиқаришда қийинчиликлар ва муаммолар келиб чиқди.

Соҳа самарадорлигини оширишга, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида эркин иқтисодиёт тамойилларига асосланган ҳолда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур илмий ишнинг асосий йўналиши этиб белгиланди. Чунки газ таъминоти соҳасини янада ривожлантириш борасида ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикасида ўзак тармоқларни ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш уларни жаҳон стандартлари талабларига яқинлаштириш ҳозирги вақтда муҳим масалалар қаторига киритилган.

Битирув олди малакавий амалиёт даврида газ таъминоти тизимининг бугунги ҳолати ва келажагини ҳисобга (олган ҳолда) олинганлиги тадқиқот мақсади ва вазифалари ечимини топишда зарурий илмий методларни қўлланилганлиги, турар жойлар газ тизимига оид кўрсаткичларни ифодаловчи статистик маълумотлар, меъерий ҳужжатлар ва бошқалардан фойдаланилганлиги тадқиқот натижаларини асослаганлигини таъминлади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Тадқиқот ишидан мақсад – турар жойларга газ етказиб бериш самарадорлигини ошириш ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот предмети: Ўзбекистон Республикасида турар жойлар газ таъминоти соҳасида хизмат кўрсатиш муносабатлари.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри газ таъминоти бўйича аҳолига хизмат кўрсатувчи Чирчиқшаҳаргаз корхонаси олинди.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзтрансгаз аксиядорлик компанияси қарор ва меъерий ҳужжатлари, ватанимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ишлари, шунингдек, газ таъминоти тизимига оид бошқа адабиётлар ташкил этади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, битирув малакавий ишида умумлаштирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар газ соҳаси тизимидаги кўрсатилаётган хизматларни мукамаллаштириш, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган газ таъминоти тизимини жорий этиш бўйича изланишлар олиб боришга қаратилган. Улардан газ соҳасидаги келгуси ривожланиш дастурларида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ТУРАР ЖОЙЛАР ГАЗ ТАЪМИНОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Шаҳар ва турар жойларнинг газ таъминоти тизимлари

«Газ» атамаси, бошқа минерал ресурслардан фарқли ўлароқ, бор йўғи уч аср илгари XVII асрда голландиялик олим Ван Гельманий томонидан биринчи бор ишлатилган. «Газ» атамаси грекча сўз бўлиб, «бетартиблик» деган маънони англатади.

Табиий газ ҳосил бўлишига биноан икки асосга эга. Унинг катта табиий қисми ер қаъридан қазиб олинади, қолган қисми эса қаттиқ ёки суюқ ёқилғидан ажратиб олинган бўлиб, сунъий газ деб аталади.

Ёнувчи газлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар қадимий ёдгорликлар ва тарихий қўлёзмаларда учрайди. Қадимий юнон тарихчиси Херодот эрамиздан бир ярим минг йил илгари Кичик Осиё ҳудудида жойлашган Ҳимар тоғларида «ўчмас оловлар» бўлганлиги тўғрисида маълумотлар ёзиб қолдирган. Ҳозирги Озарбайжон, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон давлатлари ҳудудларида қадимдан ёнувчи газларнинг манбалари бўлганлиги этироф этилган ва кенг ҳудудларда алангаларнинг пайдо бўлганлиги, бу халқларни оловга сиғинишига олиб келган.

Ёнувчи газларнинг амалда кенг миқёсда ишлатилиши XVIII аср охири, XIX аср бошларига тўғри келади. Айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмида немис химиги Роберт Бунзен (1811 — 1899 й.) томонидан (1850 йил) газ горелкасининг ихтиро қилинганлиги, газдан фойдаланиш миқдорининг тезлик билан кўпайишига олиб келди. Дастлабки пайтларда ёнувчи газдан йирик шаҳарларда кўчаларни ёритиш учун фойдаланилган.¹

Бизга маълумки, мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги (МДХ) давлатлар жаҳон мамлакатлари орасида газ қазиб олиш бўйича биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. 1950 йилда умумий ёқилғи тенглигининг 2,3 фоизи газ ёқилғисига тўғри келган бўлса, 1983 йилда 2,7 фоиз, 1990 йилда эса қарийиб 33 фоизни ташкил этган. Илмий изланишлар ва таҳлиллар шуни

¹Р.Айтматов. С.Бобоев. Ж.Алибеков. “Газ таъминоти” Т. Ибн Сино Н. 2003 й 6-7 бетлар.

кўрсатаяпдики, дунё энергияси таъминоти яқин келажакдаги 30—50 йил ичида асосан органик ёқилғилар (табiiй газ, тошкўмир ва нефть маҳсулотлари) ҳисобидан таъминланади.

Табiiй газ таъминоти тушунчаси, унинг истеъмол учун қулайлиги ва уни транспортировка қилиш имкониятларининг кенглиги билан белгиланади. Шунинг учун табiiй газ, истеъмол ва таъминот тушунчаларининг бирлиги орқали аҳамият касб этади. Табiiй газ таъминоти уни қазиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш жараёнларининг ўзаро боғлиқ бўлган тизим сифатида юзага чиқади. Булар узлуксиз жараён сифатида циклик хусусият касб этади. Пировардда табiiй газ таъминоти, унинг истеъмоли орқали юзага чиқади.

Сўнгги ўн йилликда табiiй газ захиралари 22 фоизга ошди. Табiiй газ захираларининг учдан икки қисми Россия ва Форс кўрфази мамлакатларига тўғри келади. Россияда жами газ захирасининг 80,8 фоиздан ортиқ қисми Тюмень областида, Форс кўрфазида мавжуд табiiй газ захирасининг деярли ярми Эронда тўпланган.

Табiiй газ қазиб олиш ҳажми 1990-2012 йилларда ер шарида 2015 трлн.куб метрдан 2550 трлн.куб метрга етди ёки 22.6 фоизга кўпайди.

Табiiй газ қазиб олиш бўйича дунёнинг пешқадам давлатлари қаторига Россия (660 млрд. куб метр), АҚШ (550 млрд. куб метр), Канада (160 млрд. куб метр), Буюк Британия (90 млрд. куб метр), Нидерландия (65 млрд. куб метр), Ўзбекистон (56 млрд. куб метр) ва бошқалар киради.

Табiiй газни қазиб олиш ҳажмига кўра Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари ичида саккизинчи ўринда туради. Табiiй газ мамлакатимизнинг энг катта бойликларидан бири бўлиб (олтин ва пахта толаси каби), ушбу хом ашё экспорт салоҳиятини ҳам кўп жиҳатдан белгилаб бермоқда. Умуман олганда, дунё миқёсида табiiй газ қазиб олиш бўйича етакчи ўнта мамлакат (Россия, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Нидерландия, Индонезия, Жазоир, Ўзбекистон, Саудия Арабистони ва Эрон) ҳиссасига кўшиб олинган жами хом ашёнинг 80 фоизи тўғри келади.

Дунё миқёсида табиий газнинг улкан захиралари Россия, Эрон, Туркменистон, Саудия Арабистони, АҚШ, Канада, Ўзбекистон, Жазоир, Ирок ва бошқа мамлакатларга тўғри келади.

Дунё доирасида табиий газ захиралари бўйича минтақалар мавқеи

1-жадвал

Минтақа	Табиий газ захиралари (2012й)	
	Трлн.куб метр	%
Дунё бўйича, жами	145,8	100,0
Россия	48,2	33,1
Ўрта Шарқ	49,6	34,0
Шимолий Америка	7,3	5,0
Жанубий Америка	6,3	4,3
Жануби-Шарқий Осиё	10,3	7,1
Африка	11,2	9,4
Ғарбий Европа	4,4	3,0

Дунёда казиб олинган табиий газнинг 30 фоизга яқини экспорт қилинмоқда. Шундан деярли 80 фоизи қувурлар орқали узатилмоқда. Энг узун, трансконтинентал газ қувурлари Россиянинг Ғарбий Сибир районида Ғарбий ва Шарқий Европага, Канададан АҚШга томон йўналишда барпо қилинган. Табиий газнинг 20 фоизга яқин қисми суюлтирилган ҳолда махсус газ ташувчи танкерларда экспорт қилинмоқда. Шундай танкерлар Жазоирдан Ғарбий Европага, Форс кўрфази мамлакатлари ва Малайзиядан Японияга метан олиб борилмоқда.

Шаҳар газ тизимларининг турлари. Шаҳар газ тизимининг қисмини газ қувурлари ташкил қилади. Улардаги босимнинг турларига қараб шаҳар газ тизимлари қуйидагиларга бўлинади:

- а) бир босқичли тизимлар;
- б) икки босқичли тизимлар;

в) уч ва кўп босқичли тизимлар.

Тизимларини танлашда шаҳарнинг сатҳи, умумий истеъмол қилинадиган газ миқдори, газ манбасининг тури, газлаштиришнинг олдинмакейин бўлиши ва иқтисодиёт масалалари инобатга олиниши керак.

Бундай тизимда фақат паст босимли газ қувурлари қўлланилади. Бундай тизим ишчи посёлкаларда, кичик қишлоқда ишлатилиши мумкин. Бунда фақат паст босимдаги газ қувурлари ўтказилади. Шунинг учун буни бир босқичли дейилади. У фақат турар жой бинолари ва майда корхоналарни таъминлайди. Бундай тизимларда фақат паст босим бўлгани учун катта диаметрдаги қувурлар қўйишга тўғри келади. Бу иқтисод тарафдан манфаатсиз. Бундай тизимлар кичик ва ўрта шаҳарларда қўлланилиб, ўрта ва паст босим газ қувурлари ишлатилади. Ўрта босимдан саноат корхоналар ва паст босим газ тармоқлари ГРП орқали таъминланади. Босимни ошириш газлаштириш тизимида кичикроқ диаметрдаги қувурлар ишлатиш имконини беради. Бу маблағларни тежашга олиб боради. Лекин, босимни ошириб бориш, тизимни ишлатишда катта талаблар қўяди.

Паст босим газ қувурларига турар жой бинолари ва майда маиший хизмат корхоналари уланади. Бундай тизим бир босқичли тизимга нисбатан тежамлидир ва бундай тизимнинг ўтказиш қобилиятикатта, паст босимли газ қувурларида бир хил босимни таъминлашга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, бундай тизимларга хавфсизлик томондан юқорироқ талаблар қўйилади.

Уч ва кўп босқичли тизимлар ёрдамида катта шаҳарлар газлаштирилади. Чунки икки босқичли тизимлар қўлланилганда, ўрта босим газ қувурларининг диаметрлари жуда катта бўлиши талаб қилинади ва бутун шаҳар худуди бўйича юқори босим газ қувурлари ўтказишга кўчаларнинг торлиги сабабли газ қувурларидан бино ва иншоотларгача хавфсизлик юзасидан талаб қилинадиган масофаларни таъминлаш қийинлиги сабаб бўлади. Бундай тизимларда паст, ўрта ва юқори босим газ қувурлари ишлатилиб, ГРС дан чиққан юқори босим газ қувурлари йирик газ

истеъмолчиларга (ГРЭС, ТЭЦ, туман қозонхоналари, кимё комбинатлари ва бошкалар) газ етказиб беради. Бундан ташқари, бу газ қувурларидан ГРП лар ёрдамида ўрта босим газ қувурлари таъминладилар. Ўрта босим газ қувурлари эса саноат, коммунал-маиший корхоналари, қозонхоналари, ҳамда ГРП лар ёрдамида паст босим қувурларини газ билан таъминлайди. Паст босим газ қувурлари эса асосан турар-жой биноларини ва саотлик газ сарфи 50 м³/соат дан ошмаган кичик маиший-коммунал ва умумий овқатланиш муассасаларни газ билан таъминлайди.

Газ қувурлари, ундаги босим ва газ қувурининг қўлланишига қараб қуйидагиларга бўлинади.

Қўлланиш бўйича:

- а) магистрал газ қувурлари;
- б) шаҳар газ қувури;
- в) саноат газ қувурлари.

Магистрал газ қувурлари ўта юқори босимда ишлаб (5,5 ÷ 10 МПа), газ конидан шаҳарларга газ етказиб беради.

Шаҳар газ қувурлари қуйидагиларга бўлинади:

- 1) таркатиш газ қувурлари;
- 2) истеъмолчиларга тармоқ газ қувурлари;
- 3) уй ичи газ қувурлари.

Тақсимлаш газ қувурлари газни турар жой биноларига, саноат ва коммунал корхоналарга етказиб беради. Ўтказилиши бўйича эса халқасимон, боши берк шаклида бўлади. Абонент тармоқлари газни тақсимлаш газ қувуридан истеъмолчиларга етказилади. Уй ичи газ қувурлари эса газни турар-жой биноси ичида таркатиб, газ асбобларига етказиб беради.

Саноат газ қувурлари учга бўлинади:

- 1) тақсимлаш газ қувурларидан саноат корхонасига киритиш;
- 2) цехлар-аро газ қувурлари;
- 3) цех ичи газ қувури.

Газнинг босимига қараб шаҳар газ қувурлари қуйидагиларга бўлинади:

- 1) паст босим газ қувурлари 0,002 ÷ 0,005 МПа;
- а) агарда сунъий газ берилаётган бўлса 200 мм сув.уст. (0,002МПа)
- б) табишй газ учун босим 300 мм сув. уст. (0,003МПа)
- в) суюлтирилган газ бўлса, босим 400 мм сув. уст. (0,004МПа.)
- г) агарда ҳар бир истеъмолчи уйида ўзининггаз босимини пасайтирувчиси бўлса, тармоқда босим 500 мм сув.уст. бўлиши мумкин.

Паст босим газ қувурларига асосан, турар жой бинолари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари уланади. Бунда истеъмолчининг соатлик газ сарфи 50 м³/соат.дан кам бўлиши керак. Чунки катта газ сарфини паст босимда узатиш учун катта диаметрли газ қувурлари қуриш керак. Бу эса иқтисод тарафдан манфаатсиз.

Агарда истеъмолчининг газ сарфи 50 ÷ 150 м³/соат бўлса ва техник иқтисодий ҳисоблар билан мўлжалланган иш асослаб берилса, бундай истеъмолчини ҳам паст босим газ қувурига улаш мумкин.

- 2) ўрта босим газ қувурлари (0,005 ÷ 0,3 МПа.);

Бу газ қувурларига саноат корхоналари ва паст босим газ қувурига газ етказиб берувчи ГРП лар уланади.

- 3) юқори босим газ қувури 0,3 ÷ 0,6 МПа

Бу газ қувурига йирик истеъмолчилар уланади. Бундан ташқари, бу газ қувуридан ГРП орқали ўрта ёки паст босим қувурлари ҳам таъминланади.

- 4) юқори босим газ қувурлари 0,6 ÷ 1,2 МПа

Бу газ қувурлари шаҳар атрофида ярим халқасимон ёки халқасимон шаклда ўтказилиб, ундан йирик истеъмолчилар, ҳамда шаҳар юқори ва ўрта босим газ қувурлари ГРП орқали таъминланади. Ҳар хил босимдаги газ қувурлари фақат ГРП орқали бир-бирига уланади.

Газлаштириш тармоқларининг аҳоли яшаш пунктлари режасида жойлашиши бўйича таснифи. Режада жойлашиши бўйича газлаштириш тизимлари икки турга бўлинади: халқасимон, боши берк ёки тармоқланган тизимлар.

Халқасимон тизимлар, ўзаро боғлиқ бўлган туташ, халқасимон газ қувурларидан иборат бўладилар. Бундай тизимнинг асосий афзаллиги, уларнинг ишончлигидир. Чунки, газлаштириш тизимининг бирон-бир участкасида авария содир бўлиб газ оқими беркилиб қолса, авария бўлган участкадан кейин жойлашган (газ оқими бўйича) истеъмолчиларга газ қушни, халқасимон қувур орқали етиб боради ва истеъмолчиларни газсиз қолишга йўл қўймайди. Лекин бундай тизимларнинг камчилиги, улардаги газ қувурларининг умумий узунлигининг катталиги ва натижада қурилишга кўп капитал маблағ талаб қилишидир.

Тармоқланган, боши берк тизимлар шаҳарнинг ҳар тарафига тармоқланган боши берк газ қувурларидан иборат бўлади. қувурларнинг охириги участкалари ўзаро туташмаган. Шунинг учун бундай тизимларга камроқ капитал маблағ сарф бўлиб, қурилиш арзонга тушади. Лекин бундай тизимларнинг бирор жойида авария бўлса, бу жойдан кейин жойлашган (газ оқими бўйича) истеъмолчилар газсиз қолади. Шунинг учун шаҳарларда газ таъминотининг ишончилигини ошириш мақсадида капитал ҳаражатлар кўпроқ, бўлса ҳам халқасимон тизимлар қўлланилади.

Тармоқланган, боши берк тизимлар кичик аҳоли пунктларида, саноат корхоналари ҳудудида, ҳамда бирор шаҳарни газлаштириш жараёни бошланишида қўлланилиши мумкин. Бунда, аввал шаҳарнинг ҳар томонига боши берк асосий газ қувурлари ўтказилиб, асосан газ истеъмолчилари биринчи навбатда таъминланади, кейинчалик эса, газлаштириш ривожлантириб, боши берк газ қувурлари ўзаро туташтирувчи газ қувурлари билан уланиб, халқасимон газлаштириш тизимларини ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун боши берк тизимлар келажакдаги халқасимон газлаштириш тизимларининг асосини ташкил қилиши мумкин.

Газлаштириш тизимларининг тузилиши ва уларни ўтказиш усуллари. Шаҳар газ қувурлари-мураккаб муҳандислик иншоотлари бўлиб, истеъмолчиларни газ билан хавфсиз ва узлуксиз таъминлашга хизмат қиладилар. Газлаштириш тизимларининг ишончли ишлаши лойиҳалаш

даврида қабул қилинган газ тақсимлаш схемасининг конструктив тўғри хал қилинганлигига, ҳамда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифатига боғлиқдир. Шаҳарларда газ қувурлари асосан ер ости усули бўйича ўтказилади. Ер усти ўтказиш усули кам қўлланилиб, асосан табиий ва сунъий тўсиқларни кесиб ўтишда, ҳамда айрим истеъмолчилар ҳудудида маҳаллий шароитга кўра ер ости усулини қўллаш мумкин бўлмаса, ёки иқтисод тарафдан мақсадга мувофиқ бўлмаса, ер усти усули қўлланилади.

Шаҳар газлаштириш тизимлари пўлат қувурлардан қурилади. Чунки уларнинг узунлиги катта, бир-бирига улаш пайвандлаш билан бажарилади ва бунинг натижасида уланган жойларнинг зичлиги таъминланади. Ер ости газ қувурларини коррозиядан (чиришдан, емирилишдан) сақлаш мақсадида уларга коррозияга қарши қоплама (изоляция) ўралади. Совуқ кунларда газ таркибидаги сув буғлари конденсация бўлади. Конденсат қувурларнинг энг паст жойларида йиғилиб, газ йўлини тўсиб қўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида қувурлар албатта нишаб қилиб ўтказилади ва уларнинг энг паст жойларида конденсат йиғичлар ўрнатилади ва улар орқали йиғилган конденсат вақти-вақти билан чиқариб ташланади.

1.2 Турар жой биноларида газ билан таъминлаш хизмат кўрсатиш тизими

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатида коммунал хўжалиги томонидан кўрсатилаётган хизматлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида коммунал хўжалиги хизматларини ташкил этишда, коммунал хизматлар нархлари (тарифлари)нинг ўзгариши, ишлаб чиқариш харажатлари, тариф ҳисоб-китоби учун таннарх калькуляцияси, хизматлари учун тўланадиган тўловларни ўз вақтида ундирилиши каби муаммоларга дуч келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларининг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини

чеклаш, яъни уларни 6-8 фойздан оширмаслик механизмларини ишлаб чиқиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Собиқ совет тизимида ёқилғи саноатининг барча турлари каби табиий газ ишлаб чиқариш соҳаси ҳам стратегик ағамиятга эга бўлиб, бу соҳанинг фаолияти марказдан туриб бошқарилган. Газни ишлаб чиқиш хажми ва ундан фойдаланиш, шу жумладан аҳоли яшаш жойларини табиий газ билан таъминлаш режаси ҳам марказдан тасдиқланган. Шу сабабли республикаимиз худудидан катта миқдордаги табиий газ қазиб олинсада маҳаллий аҳоли турар-жойларини газ билан таъминлашга, айниқса қишлоқ жойларига, имконият берилмаган. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимиз И.А. Каримов томонидан республикаимиз иқтисодиётида бозор муносабатларини жорий этишда кучли ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратилди. аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. мазкур дастур 2014 йилга қадар аҳоли тураржойларини табиий газ билан таъминлашни яқунлаш кўзда тутилган.

Газ таъминоти ягона тизимга эгаллиги билан изоҳланади, унинг барча таркибий бўлаклари (конлар, газ қувурлари, шаҳар ичидаги тормоклар) бир бири билан боғланган ва режалаштиришда шу алоқаларнинг ҳисобга олиниши зарур.

Ўзбекистон Республикасида табиий газни қазиб олиш ва уни ириқ магистраллар орқали транспартировка қилиш ишлари "Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси томонидан амалга оширилади. Истеъмолчилар шу жумладан, коммунал хўжалиги тизими ҳам мазкур тизим орқали табиий газ билан таъминланди. 2003 йилга қадар коммунал хўжалиги тизимида табиий газни сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, газ тармоқларидан фойдаланишни ташкил этиш, уларни таъминлаш ва қуриш ишлари "Бошкоммуналгаз" корхонаси томонидан амалга оширилиб келган. Тўқсонинчи йилларнинг охирига келиб мамлакатимизда коммунал хўжалигисоҳасига табиий газ етказиб бўйича иқтисодий муносабатларни ташкил этишда жиддий камчиликлар кўзга ташланди. Шу сабабдан табиий газ

етказиб беришни такомиллиштириш, хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчилар ўртасида эркин бозор муносабатларини жорий этиш бўйича Республикамиз ҳукумати томонидан катта ишлар амалга оширилди. Соҳада ислохатларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги “Уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли Қароридан қайт қилинган.

Ҳозирги кунда коммунал хизматлари учун аҳоли томонидан тўланадиган асосий тўловларни ҳисоб-китоб қилиш ва уларнинг назоратини олиб боровчи ташкилот шаҳардаги асосий маҳаллалар ва тузар жойларидан фойдаланиш корхонасидаги ходимлар томонидан олиб борилади. Ана шу ходимларнинг ишлаш жараёнларига ахборот тизимларини қўллаш ва уларнинг масъулиятли ишини автоматлаштириш заруратини келтириб чиқаради. Ушбу муаммоларни бартараф этишда автоматлаштирилган ахборот тизимларини қўлланилиши коммунал тўлов ҳисоб-китобларига кетадиган харажатларини камайтириш ва тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида 2013 йил 1 январ ҳолатига мавжуд 121 шаҳарнинг 118 таси (97,5 %), 113 шаҳарчининг 105 таси (92,9 %) табиий газ билан таъминланди. Қолган 3 шаҳардан 1 таси ва 7 шаҳарчадан 3 тасини 2014 йилгача газлаштириш режалаштирилган. Республикада Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри хонадонлари газ билан таъминланганлар. Шунингдек, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятларида ҳам газлаштириш юқори кўрсаткичлар билан ифодаланади. Шу вақтнинг ўзида Сурхондарё вилоятида хонадонларнинг газ билан таъминланганлик даражаси паст кўрсаткичга эга. Вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мамлакатимизда газлаштиришнинг ҳудудлар бўйича турли даражаси мавжуд.

Алоҳида тортилган кўча газ тармоғининг узунлиги 2012 йил ҳисобида 12,6 минг км.га етган. Унинг 7,9 минг км га тенг қисми шаҳар ва

шаҳарчаларга, 4,7 минг км га тенг қисми қишлоқ жойларига тўғри келди. Республикада хонадонларни газлаштириш суръатлари 1999-2009 йилларда олдинги ўн йилликка нисбатан бирмунча пасайган бўлса ҳам, қўшимча салкам 900 минг хонадон табиий газ билан таъминланди. Газлаштирилган хонадонларнинг умумий сони 3290,6 минг тага, шу жумладан, шаҳар ва шаҳарчаларда 1699,4 мингтага, қишлоқ жойларда 1591,2 мингтага етди (2-жадвал).

Буларнинг барчаси шаҳарларда жойлашган бўлиб, асосан Тошкент, Когон, Бухоро шаҳарларига тўғри келарди. Ана шу йили республикада якка тортилган кўча газ тармоғининг узунлиги атиги 240 км.га тенг бўлган. Ўзбекистонда 1991-2012 йилларда аҳолини табиий газ билан таъминлаш ишлари бирмунча жонланган.

2-жадвал Республика худудий газ таъминот корхоналарининг мавжуд газ қувурлари

2013 йилнинг 1 январ ҳолатига

№	Худудлар	Ўлчов бирлиги	Газ қувурларининг умумий узунлиги узунлиги	Шу жумладан			Газ тарқатиш шоҳобчалари сони
				Юқори босим	Урта босим	Паст босим	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	км	11956,3	1076,5	2736,3	8143,5	5153
2.	Андижон вилояти	км	8506,1	856,1	1997,2	5652,8	5002
3.	Бухоро вилояти	км	8200,3	859,7	2107,9	5232,7	5146
4.	Жиззах вилояти	км	6284,5	783,8	1072,9	4427,8	3144
5.	Кашкадарё вилояти	км	7252,5	935,2	1574,2	4743,1	3426
6.	Навоий вилояти	км	4217,8	405,3	1000,9	2811,6	2332
7.	Наманган вилояти	км	8225,7	812,4	1703,2	5710,1	6458
8.	Самарқанд вилояти	км	16509,0	1593,0	3297,0	11619	12462
9.	Сирдарё вилояти	км	4044,8	616,5	925,6	2502,7	1680
10.	Сурхондарё вилояти	км	4167,9	611,2	914,1	2642,6	2551
11.	Тошкент вилояти	км	11382,5	1387,0	2880,7	7114,8	6418
12.	Фарғона вилояти	км	13737,7	1253,0	3266,2	9218,5	10135
13.	Хоразм вилояти	км	6321,5	966,1	1523,2	3832,2	6468
14.	Тошкент шаҳри	км	5135,0	169,0	763,0	4203,0	1592
	Жами:	км	115941,6	12324,8	25762,4	77854,4	71967

Мамлакатимиз дастурларининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши муносабати билан АКТ ва маълумотларни узатиш регламенти муаммолари ғоят долзарб аҳамият касб этади. Мазкур ҳолатда иштирокчиларнинг ахборот ўзаро ҳамкорлиги ҳужжатларнинг жисмоний кўчишидан аввал юз берадиган дастлабки ҳаракатлар хусусиятига эга бўлади. Интеграцион детерминацияланган ахборот-технологик бошқарув бундай ўзаро ҳамкорликнинг асосий мақсадини амалга ошириш, яъни бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборот ёрдами кўрсатиш имконини беради.


Республика маъмурий-ҳудудий бўлақларининг газлаштириш даражасига кўра гуруҳлари:

Газлаштириш даражалари мезонлари%	Маъмурий- ҳудудий бўлақлар
1. Газлаштиришнинг энг юқори даражаларига (90%дан зиёд) маъмурий – ҳудудий бўлақлар	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри
2. Газлаштиришнинг юқори даражаларига (75-90%) маъмурий – ҳудудий бўлақлар	Жиззах, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари
3. Газлаштиришнинг ўртача даражаларига (65-75%) маъмурий – ҳудудий бўлақлар	Андижон ва Қашқадарё вилоятлари
4. Газлаштиришнинг паст даражаларига (60-65%) маъмурий – ҳудудий бўлақлар	Сурхандарё вилояти

Тошкент шаҳрининг кўп қаватли ва хусусий уйлар хонадонларининг туманлари кесимида газлаштирилганлигини таҳлил қиладиган бўлсак, 2013 йил 1 январь ҳолатида жами газлаштирилган хонадон ва хусусий уйлар сони 566273тани ташкил этади. Бундан газ ҳисоблагичлари ўрнатилган хонадонлар сони 327943тани, газ ҳисоблагичлари ўрнатилмаган хонадонлар сони 238330тани ташкил этади.

Кўп қаватли уйлар ва хусусий уйлар хонадонларига газ ҳисоблагичлари ўрнатилган ва ўрнатилмаганини кўришимиз мумкин. Масалан, кўп қаватли уйлар хонадонларининг газ ҳисоблагичлар ўрнатилгани сони 226582тани, газ ҳисоблагичлари ўрнатилмагани сони 190197тани ташкил этади. Хусусий уйларнинг газ ҳисоблагичлари ўрнатилганлари сони эса 101361 тани ташкил этган бўлса газ ҳисоблагичлар ўрнатилмаганлари сони 48133тани ташкил этган(1-расм).

Инвентаризация натижаларига кўра, ностандарт газ асбобларидан фойдаланувчи абонентларнинг манзили кўрсатилган (ишлатилаётган ностандарт асбобларнинг сони кўрсатилган ҳолда) рўйхати тузилади, шундан сўнг ушбу абонентлар техника хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ностандарт газ ёқиш мосламаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳамда уларнинг стандарт газ асбобларига алмаштириш зарурлиги тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим



1-расм. Тошкент шаҳри бўйича табиий газ билан газлаштирилган хонадонлар сонининг ўсиши.

Тўлов тизимида ўз ўрнига эга бўлган нақд пулсиз ҳисобларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Коммунал тўловларини нақд пулсиз тўлашда

аҳоли пластик карточкалари асосида ҳисоб-китобни амалга оширмақда. Бу эса аҳоли томонидан коммунал тўловларини ўз вақтида тўланишини таъминлашда автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш усул ва технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

Коммунал тўловлари жараёнларини автоматлаштирилган ҳолда юритишни ахборот-коммуникация технологиялари негизида такомиллаштириш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳозирда коммунал тўловлари жараёнларини тўлиқ амалга оширишда аҳолидан ўз вақтида тўловларни ундириш, тўловларни ундиришдаги сарф-харажатларни камайтириш, ҳисоблагичларни тўғри ишлашини таъминлаш каби муаммолар келиб чиқмоқда.

“Ўзтрансгаз” акционерлик компаниясининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилаб берилди:

- магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, ер ости газ омборлари, газ тақсимлаш тармоқлари ва ускуналарини ишлатишда хавфсизлик қоидаларининг меъёрий талабларига амал қилган ҳолда республика истеъмолчиларини белгиланган тартибда табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш;

- магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида ягона техник сиёсатни олиб бориш, бунда уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни ҳисобга олиш ҳамда табиий газни ташиш технологияси ва гидравлик балансига риоя этиш;

- магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида табиий газдан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

- замонавий ҳисоблаш жиҳозлари ва усулларини жорий этган ҳолда ўтилган газ қатъий ҳисоб-китоб қилиниши ва тушумнинг тўлиқ топширилишини таъминлаш, табиий газнинг исроф қилиниши ва асосиз ишлатилишини камайтириш чораларини кўриш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва газни ўғирлаш ҳолларининг олдини олиш ва қонунчиликка мувофиқ равишда бартараф этиш;

- экспортга табиий газ етказиб бериш ҳажмини ошириш ва уни ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш.


Мамлакатимизда газлаштиришнинг ҳудудлар бўйича турли даражаси мавжуд. Бироқ мамлакат аҳолиларини табиий газ билан таъминлаш масаласи тез вақт ичида ижобий ҳал бўлишига шубҳа қилмаса бўлади. Бунинг учун барча газ таъминоти корхоналари ходимларининг масъулиятини ошириш, газ тармоқлари ва қурилмалари устидан назоратни ўрнатиш, газ тармоқларига ноқонуний уланишларга йўл қўймаслик ва уларга барҳам бериш, тақсимлаш тармоқларида табиий газнинг асоссиз йўқотишларини бартараф этиш, истеъмолчиларнинг газ асбобларидан хавфсиз фойдаланишларига доир чора кўриш мақсадларида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим. Ҳудудлараро газ таъминоти унитар корхоналари раҳбарлари, шаҳар ва туман газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқлари, «Ўзтрансгаз» АКнинг табиий газдан оқилона фойдаланишни назорат қилиш бошқармалари минтақавий вакиллари билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-сининг 05.11.2005. йилдаги 241-сонли “Коммунал хўжалигида энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 2008 йил 1 январдан бошлаб маънавий эскирган ва тежамсиз қозон агрегатларини алмаштирмаган корхона ва ташкилотларга нисбатан табиий газдан фойдаланиш учун тўловлар бўйича 2,0 оширувчи коэффициент қўлланилади. Инвентаризация, натижалари бўйича истеъмолчилар билан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномалар қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши ва уларни газ тармоқларидан узиш амалга оширилиши мумкин:

- газдан фойдаланиш ускуналари газ сарфини ҳисоблаш асбобларисиз ишлатилган лойиҳада кўзда тутилган газдан самарали фойдаланишни таъминловчи газ ёқиш жараёнларини автоматик тарзда тартибга солувчи воситаларга эга, бўлмаган газдан фойдаланиш ускуналари ишлатилган ҳолларда;

- маънавий эскирган газ ҳисоблаш асбоблари Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ белгиланган муддатларда ҳарорат ва газ босимини тартибга солувчи блокли замонавий газ ҳисоблаш электрон асбобларига алмаштирилмаган ҳолларда.

Мамлакатимизда XX асрнинг сўнгги йигирма йилида йирик табиий газ (Шўртан, Зеварда, Жарқоқ ва бошқалар) нинг очилиши ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ таъминлашга кенг имкониятлар яратди.

Давлат мустақиллиги арафасида (1991й.) Республика қишлоқ жойлардаги барча хонадонларнинг атиги 17,6 % газлаштирилган эди. Бу шаҳарларга хос кўрсаткичдан уч марта кам. Маъмурий - ҳудудий бўлақлар ичида юқоридаги кўрсаткичдан анча паст даража Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мавжуд эди. Навоий вилояти қишлоқ жойларида эса бирор-бир қишлоқ газ билан таъминланган эмасди. Бундай вазият 1994 йилгача ўз кучини сақлаб қолди. 1994 йил республика шаҳарлари ва қишлоқ жойларини табиий газ билан таъминлаш жараёнида бурилиш йили ҳисобланади. Қишлоқ жойларни газлаштириш даражаси 1994 йилда олдинги йилга нисбатан салкам 7 % га кўпайди ва 32,4 % га тенг бўлди. Ундан кейинги 1995 йилда ушбу кўрсаткич 5,4 % кўпайди ҳамда 37,8 % га етди.



2 - расм. Ҳў-жўй (хонадон)ларни табиий газ билан газлаштириш динамикаси


Умуман олганда республикада қишлоқларни газлаштириш даражаси 1995-2001 - йилларда ўртача йилига салкам 4 % га тенг бўлди ва 2013 йил феврал оyi бошигача 74,5 % га етди (2-расм).

Мамлакатимиз газ тармоғи доирасида тарқоқ ахборот ресурсларини интеграциялашдан олдин минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот билан самарали қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун минтақавий газ етказиб бериш мажмуалари доирасида ахборот тизимлари ташкил этилади. Газ саноати корхоналарида маълумотлар базасининг предмет соҳаси, бир томондан, иқтисодий ва ишлаб чиқариш операцияларини белгилаб берувчи ахборот оқимларига, иккинчи томондан эса кундалик ахборот фаолияти жараёнида шаклландиган ишга оид ахборот оқимларига мос келиши лозим. Ахборот жараёнлари билан газни тақсимлаш фаолиятининг ўзаро ҳамкорлиги 3-расмда келтирилган.

Бунда газ саноати корхоналарида бошқарув тизимларининг ахборот таъминоти давлат ва корпоратив манфаатлар мувозанатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Газ саноати корхоналарида бошқарув тузилмаларининг ахборот таъминоти қуйидагиларни ўз ичига олади: газ саноати корхоналари жараёнлар иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар; тезкор маълумотлар базалари ва ҳ.к.

Мунтазам ахборот оқимларини бошқариш тизимнинг маълумотларни тўплаш ва тақсимланган ахборот фондини юритишнинг катъий регламентланган тарзда назорат қилинадиган тартиботларини таъминлашга йўналтирилган воситалари билан амалга оширилади. Номунтазам ахборот оқимларини бошқариш тизимнинг маълумотлар билан алмашишнинг регламентланмаган ва суғр регламентланган тартиботларини таъминлашга йўналтирилган воситалари билан амалга оширилади.

Тақсимланган маълумотлар базасининг таркиби, ёритилаётган тизимнинг дастурий-техник воситалари минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида мамлакатимиз ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг асосига айланмоғи даркор.



3-расм. Ахборот жараёнлари билан газни тақсимлаш фаолиятининг ўзаро ҳамкорлиги

Газ саноати корхоналарида бошқарув ахборот таъминотини умумтизим ва локал маълумотлар базаларида шаклландиган ва сақландиган кирувчи ва чиқувчи ахборот массивлари ташкил қилади. Умумтизим маълумотлар базалари ҳужжатли ва фактографик маълумотлар базалари асосида интеграциялашган ахборот майдони кўринишида шаклланиши лозим. Локал маълумотлар базалари бир фойдаланувчи ёки фойдаланувчилар гуруҳи ишлаши учун зарур бўлган ахборотларни ўзида мужассамлаштиради.

Табиий газни етказиб беришда ҳар қандай бошқарув технологиясининг ахборот ҳуқуқий асосини тўлиқ англаш минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларини лойиҳалаштиришга нисбатан ёндашувни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Бу ерда ҳам, лойиҳалаштириш босқичидаёқ “ахборот оқимларини” қайд этиш тамойили асос қилиб олинган банк ахборот тизимлари мисол бўлиб хизмат қилади. Яъни, компьютер ахбороти билан ҳар қандай ҳаракат ҳужжатлаштирилиши ва назорат қилиниши зарур.

Газ саноати доирасида турли хил ахборот оқимлари мавжуд бўлиб, техник-ташқилий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақидаги

ахборотлар газ етказиб бериш фаолиятини самарали бошқаришга хизмат қилади.

Ҳозирги шароитда самарали ишлаш учун газ етказиб бериш хизматлари оқилона қурилган ахборот тизими кўринишида қудратли ахборот таъминотига эга бўлиши зарур. Албатта, унга ўзининг функционал белгилари бўйича адекват ахборот таъминотлари тизими яратилган тақдирда эришиш мумкин. Бундан ташқари, газ саноати корхоналарида бошқарув ахборот тизимини қуришда бошқа ёндашувлар ва омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларини барпо этиш муаммосининг ҳал этилиши ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларини шакллантиришнинг ахборот таъминоти концепцияси кесимида бошқарув функцияларининг таснифига янгича назар ташлаш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини 2012 йилгача бўлган даврда табиий газ билан таъминлаш кўрсаткичлари 3-жадвалда таҳлил қилинган.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларида бошқарув муаммоларини ҳал этишнинг умумий чизмаси сифатида шаҳар (туман) газ бўлимининг автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида ташқи муҳитдан келиб тушадиган маълумотлар асосида бошқарувчи ахборот оқимини яратишни таклиф этиш мумкин. Газ саноати корхоналарида рекуррент жараёнининг моҳияти орқага қайтадиган изчилликларга асосланади, бунда қарорлар қабул қилишнинг ҳар бир кейинги алгоритми муайян қоида бўйича – аввалги алгоритм орқали ифодаланади. муҳитдан келиб тушадиган маълумотлар асосида бошқарувчи ахборот оқимини яратишни таклиф этиш мумкин.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимининг мазмуни ушбу ишда корхонани бошқариш натижаларига йўналтирилган доимий ахборот таъминотини таъминловчи ахборот операциялари ва стратегик

Маъмурий – худудий бўла қлар	Қишлоқ аҳоли пунктла- рининг 1.09.99 йилга нисбатан		Табиий газ билан таъминланган қишлоқ аҳоли пункт- ларининг 1.09.99 йилга нисбатан		Табиий газ билан 2010 йилгача таъмин- ланиши лозим қишлоқ аҳоли пунктларининг		Шу жумладан						Етиб бориши қийин бўлган ва олисда жой-лашган қишлоқ аҳоли пунктлари- нинг	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%	1999-2001 йилларда		2002-2006 йилларда		2008-2012 йилларда		Сони	%
Ўзбекистон Республикаси	11844	100	7914	66,8	3264	27,6	1392	11,8	961	8,1	911	7,7	666	5,6

ҳисобга олиш, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш усулларининг мажмуи сифатида белгиланган.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимидан фойдаланиш натижасида “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти режа билан бошқариладиган бўлиб қолди.

Газ тармоғининг газ етказиб бериш секторини бошқаришнинг мавжуд механизми доирасида газ етказиб бериш балансларининг шаклланиши кўп жиҳатдан амалга ошириш учун қабул қилинган иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнлари ишлаб чиқариш-технологик чизмасининг моделига боғлиқ. Бундабир моделдан иккинчисига ўтишда ёки мавжуд моделни ривожлантиришда маълумотларнинг ахборот асоси услубиятда ҳам, вақтга кўра ҳам бозор муносабатларининг ривожланишига қараб кам тузатишларга дучор бўладиган шароитларни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

1.3 Чакана истеъмолчиларга газ етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш

Тошкентшаҳаргаз филиали **Таминотчи деб номланади**. Таъминотчи табиий газ етказиб бериш, истеъмолчи эса уни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини олади.

Чакана истеъмолчига етказиб бериладиган газ хажми қуйидагилардан ташқари ҳолатларда чегараланмайди:

Газдан автоном сув иситгичлар, иситиш қозонлари ва бошқа газ жихозларидан фойдаланган ҳолда иссиқхона ва оранжереяларни иситиш ҳамдаёққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуҳулланишда (нон, нон маҳсулотлари, таом пишириш ва бошқа мақсадларда) шартномасиз фойдаланиш;

Таъминотчи томонидан тегишли хабарнома олингандан кейин 10кун ишчига қарзлар тўланмаганлик;

Газдан фойдаланиш жихозларининг авария ва ҳаёт учун хавф туғдирадиган ҳолатлар;

Таъмирлаш ишлари олиб борилаётган, авария ҳолатлари туғилган ва бошқа форс-мажор ҳолатлари.

Истеъмолчига газ етказиб бериш фақат лойиҳа ҳужжатлари асосида ўрнатилган стандарт газдан фойдаланиш жиҳозлари, газ ёндиргичлари ва мазкур шартнома мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Истеъмолчи газни узлуксиз етказиб беришни “Таъминотчи”дан талаб қилиш; ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз булган, мол-мулкига зарар етказмайдиган, белгиланган сифат ва талабга жавоб берадиган газдан фойдаланиш; белгиланган сифат ва талабга жавоб бермайдиган газ етказиб берилиши натижасида Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги, мулкига етказилган зиён ва зарарларни ҳамда маънавий зарарни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини Таъминотчидан талаб қилиш;

газ таъминотида давомли узилишлар булган тақдирда (асосли ҳужжатлар мавжуд булганда), газ учун ҳисоб-китобларни амалга оширмаслик ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли Қарори билан тасдиқланган «Газни ҳисобга олиш приборлариини сотиб олиш, уларни квартираларда ва яқка тартибдаги уйларда урнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тугрисида»ги Низомга мувофиқ; газни ҳисобга олиш приборлари билан таъминлашни Таъминотчидан талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан давлат ва суд ҳимоясида булиш.

Газ таъминотида давомли узилишлар булганда «Таъминолш» дан оврак пишириш учун суюлтирилган газ етказиб беришни талаб қилиш.

Истеъмолчи куйидаги мажбуриятларни бажариши шарт: шартномада белгиланган муддатларда «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган газ учун туловларни уз вақтида амалга ошириш; етказиб берилган газдан мақсадли фойдаланиш, зид хатти-ҳаракатларни содир этмаслик; газдан фойдаланишда техника хавфсизлик қоидаларига катъий риоя қилиш, уй ичидаги тармоқларнинг,

газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш приборининг техник хужжагларга асосланган ҳолда техник ҳолатини ва улардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш, газни ҳисобга олиш приборидаги тамгалар ва техник хужжатларини сакман ишини ҳамда газни ҳисобга олиш приборини урнатилган тартибда ҳар 4 йилда 1 маротаба давлат куригидан утказишни таъминлаш («Метрология тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни);

Таъминотчини хабардорлиги, (ваколатли ташкилот ва шахслар томонидан) розилиги асосида «Чакана истеъмолчи»га тегишли бўлган газ жиҳозларини, газни ҳисобга олиш приборларини уриатишда, ундан фойдаланишда, лойиха-техник хужжатларига қушимча ва узгартиришлар киритиш ва унинг хизматидан фойдаланиш, курсаткичларнинг узгариши ҳамда газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш приборидан фойдаланишга таъсир курсатувчи авария ёки носозликлар, газни ҳисобга олиш приборидаги тамгаларниш бузилиши ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

Таъминотчи томонидан сотиб олиниб, аҳоли квартираларига ва яққа тартибдаги уйларга урнатиб берилган газни ҳисобга олиш приборларининг қийматини кафолатли муддат мобайнида, лекин газни ҳисобга олиш приборлари урнатилган кундан бошлаб кўпи билан 5 йилда тулаб бериш;

Таъминотчининг вакилига газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш прибори, уларнинг техник хужжатлари ҳамда газдан тугри фойдаланиш тартибини амалдаги қонун хужжатларига асосан текшириш имконини яратиб бериш;

Агарда ушбу талаблар узрсиз сабабларга қура «Чакана истеъмолчи» томонидан бажарилмаган тақдирда етказиб берилган газ учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилмайди.

Таъминотчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

етказиб берилган газ учун истеъмолчи томонидан уз вақтида тўловлар амалга оширилмаганлиги ҳолатлари юзасидан мазкур шартноманинг 6 А ва 8.4-бандларида белгиланган чораларни қўллаш;

истеъмолчининг газ истеъмоли ускуналарининг техник ҳолатини куриқдан ўтказиб бориш орқали мунтазам равишда назорат қилиш;

Чакана истеъмолчидан уй ичидаги тармоқларнинг, газдан фойдаланиш жиҳозлари, газни ҳисобга олиш приборининг техник ҳужжатларга асосланган ҳолда техник ҳолатини ва улардан хавфсиз фойдаланишни ҳамда газни ҳисобга олиш приборидаги тамгалар ва техник ҳужжатларнинг сақланишини талаб қилиш;

Таъминотчи томонидан сотиб олиниб, ўрнатиб берилган газни ҳисобга олиш приборларининг қийматини кафолатли муддат мобайнида, лекин газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган кундан бошлаб кўпи билан 5 йил давомида тулаб борилишини Чакана истеъмолчидан талаб қилиш;

газни ҳисобга олиш прибори носозлиги ёки газни ҳисобга олиш приборини ўрнатилган тартибда ҳар 4 йилда 1 маротаба давлат куригидан ўтказилмаганлиги ҳолатлари аниқланганда, етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоблар амалга ошириш;

газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш прибори, уларнинг техник ҳужжатлари ҳамда газдан турри фойдаланиш тартибини текшириш.

Таъминотчи қуйидаги мажбуриятларни бажариши шарт:

шартномада курсатилган шартларга мувофиқ ҳамда белгиланган сифатдаги газни узлуксиз етказиб бериш;

истеъмолчининг аризасига мувофиқ газни ҳисоблаш приборини белгиланган тартибда давлат стандарти кўригидан ўтказиш учун приборни ечиб бериш, ўрнатиш ва далолатнома билан расмийлаштириш, буюртманомаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъмилаш;

фойдаланиш хизматлари орқали Чакана истеъмолчининг мавжуд газ асбоблари ва жиҳозларини «Ўзбекистон Республикаси газ ҳужалигидан техник фойдаланиш Қоидалари»да белгиланган қуйидаги муддатларда йиллик режали таъмирлаш (тафтиш қилиш) ҳамда уларга профилактик хизмат курсатиш:

табiiй газда ишлайдиган уй жойлардаги мавжуд газ плиталарига агарда бошка газ асбоблари бўлмаса, 2 йилда 1 маротаба, табiiй газда ишлайдиган уй

жойлардаги мавжуд газ плиталари иситиш асбоблари, сувиситиш асбоблари ва бошкаларга I йилда 1 мартаба.

таъмирлаш ишлари, авария ёки бошка форс-мажор хрлатлари туфайли газ етказиб беришни вақтинчалик қисман ёки бутунлай тухтатилиши мумкинлиги ҳақида Чакана истеъмолчини уз вақтида хабардор қилиш;

Чакана истеъмолчига газ етказиб бериш буйича шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва тузилиши буйича ўз вақтида зарур чора-тадбирлар қурилишини таъмилаш;

Истеъмолчига белгиланган сифатдаги газ етказиб берилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва бу ҳақда огоҳлантириш буйича уз вақтида зарур чоралар қуриш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли қарори билан тасдиқданган «Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва яқка тартибдаги уйларда урнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ «Чакана истеъмолчи»ни газни ҳисобга олиш приборлари билан таъмилаш.

Таъминотчи урнатилган газ ҳисоблагич приборини давлат стандарт текшируви муддати яқинлашган ҳолларда истеъмолчини қаида 1 ой олдин газ ҳисоблагич приборини давлат стандарт кўригидан утказилиши кераклигини ёзма равишда маълум қилиши ва қуриқдан утказиш тартиби буйича тушинтириши шарт.

Газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш приборидан фойдаланишга таъсир қурсатувчи авария ёки носозликларнинг қелиб қикиши ҳақида Таъминотчига Чакана истеъмолчи томонидан хабар берилади.

Газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш приборидан фойдаланишга таъсир қурсатувчи авария ёки носозликларнинг бартараф қилиш тугатилганидан сунг Таъминотчи Чакана истеъмолчи билан биргалиқда уч йил давомида сақланиши шарт булган икки нусхада далолатнома тузадилар.

Чакана истеъмолчи етказиб берилган газ учун амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган нархларга асосан туловларни амалга оширади.

Истеъмолчига етказиб берилган газ учун туловлар ой тугагандан сунг келгуси ойнинг 10-санасига қадар амалга оширилиши лозим.

Газ учун туловлар қисман ёки тўлиқ амалга оширилмаган ҳолатларда Таъминотчи истеъмолчини етказиб берилган газ учун туловларни 10 кун ичида амалга ошириш тўғрисида ёзма огоҳлантиради.

Агар истеъмолчи ёзма огоҳлантирилгандан сўнг 10 кун ичида етказиб берилган газ ҳақини тўламаса, у газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади. Қарзларнинг бундан кейинги ундирилиши суд тартибида амалга оширилади.

Олдиндан тўланган аванс маблағлари камайтирилмайди ва бу маблағлар кейинги ой тўловларида ҳисобга олинади. Коммунал хизматлар учун аванс сифатида тўланган тўловларга, ушбу даврда тегишли тарифлар купайган тақдирда қўшимча ҳақ тулашдан озод этиладилар (ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган давр учун).

Газ ҳақини белгиланган муддатларда қисман ёки тўлиқ амалга оширилмагани учун газ таъминоти тизимидан узиб қўйилиши ва қайта уланиши билан боғлиқ харажатлар истеъмолчи ҳисобидан қопланади.

Истеъмолчи томонидан тўловлар нақд ва нақд пулсиз қуринишида амалга оширилиши мумкин.

Ҳар бир истеъмолчи буйича таъминотчи томонидан қуйидаги маълумотларни ўз ичига оладиган шахсий ҳисоб очилади.

Истеъмолчининг фамилияси, исми, шарифи, яшаш жойининг манзили, уй телефони, паспорт маълумотлари, газни ҳисобга олиш прибори маркаси, уни ишлаб чиққан завод, ишлаб чиқиш рақами ва санаси, кўриқдан ўтказиш даврийлиги ва охириги кўриқдан ўтказилган санаси, қуйи ва юқори ўтказиш қобилияти, максимал ишчи босими, кейинги кўриқдан ўтказиш даври ва муддатлари тўғрисида огоҳлантирилганлиги, таъминотчи томонидан

ғамланганлиги тўғрисидаги далолатнома, газни ҳисобга олиш приборидаги охириги кўрсаткичнинг ҳажми ва санаси.

Газ ҳисоблагич булмаганда ёки носоз бўлган ҳолатларда қўшимча равишда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

иситиш мавсуми даври;

газ плиталари ва сув иситиш қозонлари тури ва сони;

яшовчилар сони, (бунда вақтинчалик яшовчилар ҳам киритилади);

хақиқий иситилиш ҳажми;

қора мол, қўй, товук ва бошқалар сони;

истеъмолчининг тавсифномаси ва бошқа зарур маълумотлари.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа мақсадларда табиий газдан автоном сув иситиш қозонларидан фойдаланган ҳолда иссиқхона ва оранжереяларни иситиш, тандирлар, таом пиширувчи қозонлар учун фойдаланилганда қўшимча қуйидаги маълумотлар киритилади ҳамда ишлатилган газ ҳажми учун туловлар алоҳида улгуржи истеъмолчилар учун белгилаб қўйилган нархларда амалга оширилади:

газни ҳисобга олиш прибори маркаси, уни ишлаб чиққан завод, ишлаб чиқиш раками ва санаси, текширув даврийлиги ва охириги текширув санаси, қуйи ва юкори утказиш қобилияти, максимал ишчи босими, «Таъминотчи» томонидан тамгаланганлиги туррисидаги далолатнома;

газдан фойдаланувчи жихозларнинг техник тавсифномалари ҳамда газ ёқувчи жихозларнинг юкори куввати буйича газ сарфи.

Маълумотлар берилмаган ёки ўз вақтида берилмаган ҳолатларда истеъмолчи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар булади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99- сонли қарори билан тасдиқланган «Газни ҳисобга олиш приборлариини сотиб олиш, уларни квартираларда ва якка тартибдаги уйларда урнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби туррисида»ги Низомга кўра газни ҳисоблаш приборлари булмаганда коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига бериладиган табиий газ сарфининг ойлик нормаларига мувофиқ истеъмолчига

куйидаги меъёрлар белгиданади:

бир киши учун фойдаланиладиган майдоннинг иситиш меъёр 43м.куб хисобида белгиланган;

иситиладиган хонаси иситишга ишлатиладиган меъёрий газ микдори (1 кишига 43 м.куб) урнатилган тарифлар буйича туланади, меъёрдан ортик иситиладиган майдон учун бир ярим баробар кўпрок микдорда ҳақ туланади;

Истеъмолчида икки ва ундан ортик газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситгич булган тақдирда бу жиҳозлар учун газ ҳаражатлари меъёри тенг равишда икки ва ундан ортик мартага оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан камроқ ёки кўпроқ қилиб белгиланган тақдирда истеъмолчилар билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган ҳоллардан ташқари, шартномани бажаришдан бир томонлама воз кечишга йул қўйилмайди.

Таъминотчи томонидан газ етказиб берилмаслиги ёки тулик етказиб берилмаслиги оқибатида истеъмолчига етказилган реал зарар Таъминотчи томонидан белгиланган тартибда копланеди.

Истеъмолчининг фойдаланилган табиий газ учун муддати утиб кетган қарздорлиги мавжуд булган тақдирда мазкур шартномага асосан газ етказиб берилмаслиги ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги ҳамда бунинг оқибатида етказилган реал зарарни ва етказиб берилаётган табиий газнинг сифати учун Таъминотчи мулкый жавобгар булмайди

Таъминотчи томонидан шартномавий ҳажмларга нисбатан газ етказиб берилмаган ёки кам етказиб берилган тақдирда муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня истеъмолчига тулайди.

Истеъмолчи томонидан етказиб берилган газ учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1 фоиз микдорда, лекин

муддати ўтказилган қарздорликнинг 50 фоиздан ошмаган миқдорда Таъминотчига пеня туланади.

Истеъмомчи томонидан газ тармоқдарига узбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикает етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг курсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш ҳолатлари содир этилса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101- моддасига асосан маъмурий жазо чоралари ҳамда маъмурий жазо чоралари қўлланилгандан кейин ҳам бир йил давомида такроран содир этилса, ёхуд анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддасига асосан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Газни ҳисобга олиш приборларининг ўрнатилишини рад этган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли қарорига асосан «Ўзтрансгаз» АК тизимидаги ХУДУДИЙ унитар корхоналари ва узини-узи бошқариш органларининг вакиллари ҳамда истеъмомчи иштирокида тузилган далолатномага асосан газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади.

Таъминотчи томонидан асоссиз равишда газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиб берилмаган ҳолатларда истеъмомчи газ таъминоти тизимидан узиб қўйилмайди ва етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Томонлар қуйидаги ҳолатларда газ етказиб бериш ва қабул қилишни тўхтатиш ёки қамайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ булмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кучки, бурон, қургокчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб булмайдиган ва қўтилмаган ҳолатларда;

б) газ қонларида, газни қайта ишлаш корхоналарида, магистрал газ

кувурларида, газ тармоқларида кутилмаган авариялар содир булганида.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ипак қурти етиштирувчи шахслар учун иситиш мавсумини узайтириш ҳуқуқига эгадирлар.

2 БОБ “ЧИРЧИКШАҲАРГАЗ” ФИЛИАЛИДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ

2.1 Республика газ таъминоти соҳаси умумий таҳлили

Газ таъминоти соҳаси тараққиётга ҳамда халқ хўжалиги соҳасига улкан таъсир кўрсатувчи тармоқ ҳисобланади, қайсики табиий газ – кўплаб мамлакатларнинг ёқилғи энергетика балансидаги асосий ўрин тутадиган ва кимё саноати учун энг зарур хом ашё ҳисобланадиган муҳим қазилма бойликдир.

Дунё иқтисодиётининг глобаллашув жараёнлари газ соҳасини том маънода жаҳон индустриясига айланиб боришига олиб келди. Сотиш бозорларидан конларнинг географик узоқлиги уларнинг ўртасида алоқалар ўрнатиш янги усулларини юзага келиши билан яқинлашиб бормоқда. Газ бозорлари тез суръатларда ўсишга тайёр. Россия тасдиқланган захиралар ҳажми бўйича дунёдаги етакчи ўринни эгаллайди (47,6 трлн.м3) ёки бу захиралар дунёдаги барча тасдиқланган захираларнинг 26,7 % ни ташкил этади. Дунёдаги барча газ захираларининг 77,9 фоизи жами 10 та йирик давлатлар зиммасига тўғри келади (134,0 трлн.м3). 2020 йилга келиб дунё миқёсида газ қазиб чиқариш ҳажми 5 трлн.м3 дан ошиб кетади.

Жаҳон газ соҳасининг ривожланиши Россия ва Ўзбекистон каби мамлакатларга нисбатан янада ориентирланган аҳамият касб этмоқда. Айниқса Россияда улкан захираларнинг мавжудлиги ва дунё энергетикасида нефтдан газга ўтиш тенденцияси Россия газ компанияларига жаҳон даражасидаги муҳим аҳамиятли бозор қатнашчиларига айланишларига қулай имконият яратди. Бу кўп даражада давлат ва хусусий бизнеснинг “россия рисклари”ни камайтириш бўйича ҳамкорликдаги саъйи ҳаракатлари ва лойиҳаларнинг рентабеллик даражасига боғлиқдир.

Газ таъминоти соҳасининг тараққиётга ҳамда халқ хўжалиги соҳасига улкан таъсири ҳақида сўз юритар эканмиз шу ўринда албатта дунё тажрибаси, унинг ютуқлари ва камчиликларига аҳамият бериш жоиз. Давлатимизнинг ҳозирги кундаги Россия давлати билан турли соҳалардаги иқтисодий ҳамкорлик олиб бораётганлиги бу соҳада ҳам мамлакатимизнинг дунёдаги нуфузли

ўринларга эришишига кўмак беради. Шундай экан газ таъминоти тизими ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг таъсирини кенгроқ миқёсда жаҳон ва Россия мисолида кўриб чиқсак.

Жаҳон бозорида етакчи ҳисобланган ROYAL DUTCH/SHELL компанияси раҳбари сэр Филип Уоттс таъкидлашича зангори ёқилғининг келажаги кўйидагича: “Табиий газ келажак авлоднинг энг муҳим ёқилғиси бўлиши учун барча имкониятларга эгадир. Тахминан 2025 йилдан бошлаб дунёда нефтга нисбатан табиий газ истеъмоли кўпайиб кетади.” Жаҳон газ иттифоқи (ВГС) экспертлари ҳам шу фикрдалар.

Жаҳонда табиий газнинг узок муддатли истикболини белгилаш бўйича ВГСнинг навбатдаги (саккизинчи) тадқиқотида экспертлар: “табиий газнинг саноат потенциали узлуксиз ўсиб, жаҳон газ индустриясининг келажакдаги экспансиясининг асоси бўла олади. Шу билан бирга газни излаш (қидирув), ишлаб чиқариш ва транспорт (узатиш) қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ўсиб боради. Шундай экан газ ишлаб чиқарувчилари ва уни импорт қилувчиларда жуда катта молиявий инвестицияларга эҳтиёж туғилади деган хулосага келишди.

ВГС экспертлари таъкидлашича яқин 30 йил ичида табиий газ ишлаб чиқариш потенциалининг ўсиши кутилмоқда, яъни 2000 йилдаги 2528 млрд. м3 дан 4145 млрд. м3 гача ўсиши юз беради. Бу Base Case нинг асосий сценарийида келтирилган 64 % ли ўсишга мос келади. Ушбу ҳисоботни таъёрлаган экспертларнинг ишчи гуруҳи табиий газнинг иқтисодий фойдали захираларини 256,4 трлн. м3 дан 494 трлн. м3 гача (2000 йилда 260 дан 500 трлн. м3 гача деб баҳоланган) деб баҳоладилар. Ҳозирги кундаги қазиб чиқариш темпларида табиий газ захиралари яна 200 йилга етади. Шу билан бирга аниқ қазиб олиниши мумкин бўлган захиралар 64 йилга, кутилаётган захиралар яна 100 йилга етади.

Яқин 30 йилда дунёда энергияга бўлган талаб ҳар йили 1,8 % га ошиб боради. Бу талабни ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб планета аҳолисининг ҳар йили 1 % га ўсиши хизмат қилади (ҳозирги 6 млрд.дан 8,2 млрд.гача), шунингдек йиллик иқтисодий ўсиш 2,5 % ЯИМ га (турли мамлакатларда турлича 2% дан 5% гача) тўғри келади.

ВГС тадқиқотларида табиий газ ҳалқаро савдосининг келажақдаги истиқболи ижобий баҳоланмоқда. Табиий газ ҳалқаро савдоси 2030 йилга келиб тахминан 680-990 млрд. м³ ни ташкил этади (2000 йилда 292 млрд. м³ бўлган). Бу тахминан 17% истеъмолни ташкил этади (2000 йилда 12 % бўлган).²

Россиянинг табиий газ потенциали икки хил турдаги, яъни табиий ва синтетик газ билан характерланади. Синтетик газ турли саноат печлари (домна, кокс, полукокс печлари ҳамда ерости ва ерусти газгенераторлари) да каттик турдаги қазилма ёқилғиларини қайта ишлаш натижасида олинади. Мавжуд маълумотлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, домна ва кокс газини ишлаб чиқариш ҳажмлари доимий равишда ўзгариб (кўпайиб ёки камайиб) туради, чунки улар чўян эритиш ва кокс ишлаб чиқариш функцияси ҳисобланиб бевосита ана шу турдаги ишлаб чиқариш ҳажмларига боғлиқ. Ерости ва ерусти газгенераторларида (ҳосил қилинаётган) газ ишлаб чиқариш асосан иқтисодий мулоҳазалар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шу билан бирга дунёдаги кўпчилик мамлакатларнинг газ балансидаги асосий улушни табиий газ ташкил этишини, ҳамда жаҳоннинг барча миллий хўжалик тармоқларида табиий газдан кенг фойдаланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Дунёдаги табиий газ истеъмолининг таркибий йўналишлари қуйидаги жадвалда келтирилган (4-жадвал)

4-жадвал. Дунёда табиий газ истеъмолининг таркибий йўналишлари.

Истеъмолчилар	1994й.	2005 й.	2010 й.	%	2012й.да	
					млрд м ³	%
Коммунал-маиший ва тижорат сектори	311	348	362	12,6	368	11,2
Саноат	975	1069	1159	40,6	1267	38,6
Энергетика	509	622	876	30,7	1154	35,2
Бошқалар	325	393	458	16,0	492	15,0
Жами	2120	2432	2855	100	3281	100

² http://research.rbc.ru/rev_full/1300065.shtml сайти маълумотлари.

Жаҳон миқёсида табиий газдан фойдаланиш йўналишлари Россия учун ҳам характерлидир. Амалиёт газ саноати Россия ёқилғи комплексининг етакчи тармоғи эканлигини тасдиқлади. Унинг келажакдаги ривожланиши ҳам ашё, техник-технологик, ташкилий-бошқарув, методик, экологик-иқтисодий ва молиявий характердаги муаммоларнинг ечими билан боғлиқ. Россияда газ саноатининг келажакдаги ривожланиши, тармоқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳамда мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш учун қулай шароитлар мавжуд. Бунда энг аввал ишончли ва мустақкам ҳам ашё базаси муваффақият гарови бўлиб хизмат қилади. Газнинг бошланғич потенциал ресурслари 211,8 трлн.м³, қидириб топилган захиралар эса 50 трлн.м³ ҳисобида баҳоланмоқда; захираларни қидириб топиш даражаси 26,8 % ни ташкил этади.

Табиий газнинг улкан захиралари ва унинг энергетик ёқилғи ҳамда технологик ҳам ашё сифатида афзалликлари (ёнганда юқори иссиқлик даражадаси, экологик тозаллиги, қазиб чиқаришдаги нисбатан кам харажатлилиги ва) конларнинг жадал темпларда ўзлаштирилишини юзага келтирди. Табиий газнинг энергетик ёқилғи сифатида асосий истеъмолчилари бу: саноат корхоналари, иссиқлик ва электр энергетикаси, коммунал-маиший хўжалиги, аҳоли ва қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Ўзбекистонда халқ хўжалигининг алоҳида соҳаларида 2002 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда истемол қилинган табиий газ ҳажмлари ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган; (жадвал-5.).

5 – жадвал. Ўзбекистонда халқ хўжалигининг алоҳида соҳалари бўйича 2002-2012 йилларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари. (млн.м³ да)

Истеъмолчилар	2002 й	2005 й	2010 й	2012 й
РЕСПУБЛИКА ИЧИДА ЖАМИ	38289,9	37515,9	37558,8	36159,9
Ш.ж.дан “Ўзтрансгаз” агентлигига тегишли истеъмолчилар	23887,7	21989,3	22511,3	20701,7
Энергетика	11885,2	12456,9	12040,6	12040,0
Кимёсаноат	1773,6	2107,6	2017,8	2186,8
Ўзқурилишматериаллари АКси	556,0	631,9	667,5	737,0

НТКМК	90,1	78,4	59,5	73,2
Бошқа истеъмолчилар	97,3	251,8	262,1	421,2
ЭКСПОРТ	5907,9	9682,9	11157,1	12650,0
ЖАМИ	44197,8	47198,8	48715,9	48809,9

5 - жадвалдаги кўрсаткичлардан кўришиб турибдики 2012 йилда республика ичида истеъмол қилиниши режалаштирилган табиий газнинг 57,3 фоизи аҳоли, коммунал-маиший ва тижорат секторига (“Ўзтрансгаз” агентлиги истеъмолчилари), 33,3 фоизи энергетика соҳасига, 6 фоизи Кимёсаноати соҳасига ва қолган 3,4 фоизи қурилиш материаллари ҳамда бошқа турдаги истеъмолчилар улушига тўғри келади. Бундан ташқари жами сотилиши керак бўлган табиий газнинг 25,9 фоизи экспортга мўлжалланган. 2002 йилда экспорт кўрсаткичи жами сотилган газга нисбатан 13,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда 20,5 фоизга ва 2012 йилда эса 22,9 фоизга етди. Экспорт салоҳиятининг оширилиши асосан республика ичидаги истеъмолнинг камайтирилиши ҳисобига амалга оширилди. Республика ичидаги истеъмолнинг камайтирилишига асосий сабаб бу аҳоли хонадонларига ёппасига газ сарфини ҳисоблаш ускунаси ўрнатилиши орқали табиий газни тежаб ишлатилишига эришилганлигидир. Ушбу маълумотлар табиий газ таъминотининг мамлакат иқтисодиётида нечоғлик муҳим ўрин тутиши ва унинг юқори иқтисодий самарадорликка эга эканлигидан далолат беради. Йирик саноат марказлари ва шаҳарларнинг кескин суръатларда автомобиллашуви атроф муҳитни ифлосланишига олиб келиш хавфи жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини транспорт воситаларини газлаштиришни кенгайтириш, газ мотор ёқилғисини қўллаш соҳасида техникалар яратиш, технология ва ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш муаммолари устида жадал назарий ва амалий изланишлар ҳамда татқиқотлар ўтказишга ундади. Бу атроф муҳитни соғломлаштириш ва транспорт воситаларини тежамкор ишлатиш муаммоларини комплекс равишда ечишга қаратилган.

Европанинг аҳоли энг зич жойлашган мамлакати ҳисобланган Италияда аҳоли, коммунал-маиший биноларни газ билан таъминлаш кўрсаткичининг энг юқори даражасига эришилган. Бу ердаги табиий газдан фойдаланадиган аҳоли сони бутун дунёдаги умумий миқдорига нисбатан 15 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича иккинчи ўринда МДХ давлатлари туради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам 37 та АГНКС ва 248 та АГЗС (автомобилларга суюлтирилган газ тарқатиш шахобчаси) фаолият кўрсатмоқда. Автотранспорт воситаларини табиий ва суюлтирилган газ ёқилғисига ўтказилиши республикамизга импорт қилинаётган бензин каби нефт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада камайтириш имкониятини беради.

Масалан охириги йилларда россияда ички ёнув двигателли транспорт воситалари томонидан табиий газ ишлатиш муаммоси давлат даражасига кўтарилди: ҳамма турдаги транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини газлаштиришнинг бутун бир системасини яратиш режалаштирилди.

6- жадвал. Жаҳонда анъанавий ва муқобил мотор ёқилғилари ишлаб чиқариш нархлари.

Мотор ёқилғиси	Ишлаб чиқариш нархи			
	2002й.		2012й.	
	долл. /т	%	долл. /т	%
Анъанавий ёқилғилар				
Автобензин	126,3	100	211,8	100
Крекинг автобензини	132,7	105	208,0	98
Муқобил ёқилғилар				
Бензометанол аралашмаси	134, 1	106	222.4	105
Бензин (МТБЭ қўшимчалари билан)	126,3	100	208,0	92
Суюлтирилган пропан	125,0	99	198,0	93
Сиқилган газ	115,0	91	170,0	80
Суюлтирилган табиий газ:				
КАМАЗ учун	117,0	93	159,0	75

Давлат ва ҳудудий дастурлар асосида Россия мутахассислари томонидан транспорт воситаларида муқобил ёқилғи турларини ишлатишнинг иқтисодий афзалликлари, уларнинг нархларини таққослаш йўли билан аниқланди. Таянч варианты сифатида анъанавий хом ашё – нефтдан олинадиган автомобил бензинининг нархлари қабул қилинди. 6 - жадвалдаги маълумотлар асосида табиий газдан бўлган мотор ёқилғисининг бошқа турдаги ёқилғиларга нисбатан иқтисодий афзаллиги ҳақидаги аниқ хулосага келиш мумкин.

Бизнингча газ саноати Ўзбекистон ёқилғи - энергетика тизимининг етакчи бўғини сифатида энергетик ресурслар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги табиий газ казиб чиқариш миқдорини кўпайтириши, табиий газдан мамлакат ичидаги экологик номувофиқ саноат марказларида ва айниқса аҳоли томонидан фойдаланилишини кенгайтириш, шунингдек экспорт ҳажмини кўпайтириши зарур. Шундан келиб чиқиб табиий газ казиб чиқариш ҳажми 2010 йилларда 65-70 млрд.м³ дан кам бўлмаслиги таъминланиши керак.

Табиий газ кўмир ва мазутга қараганда экологик нуқтаи назардан анча тоза энергетик ёқилғи ҳисобланади. Табиий газни ёқиш жараёнида учиб юривчи кул кўринишидаги қаттиқ ифлослантирувчи моддалар пайдо бўлмайди, углекислота ва олингурут бирикмалари эса анча кам ажралиб чиқади. Бунга ГФР бўйича келтирилган маълумотлар исбот бўла олади. (Жадвал -7).

7-жадвал. Германияда турли хилдаги ёқилғиларни ёниши натижасида атмосферанинг ифлосланиши

Ифлослантириш манбаси	Ифлослантирувчи моддалар							
	углерод		углерод оксиди		азот оксиди		олтингурут оксиди	
	нефть, кўмир	газ	нефть, кўмир	газ	нефть, кўмир	газ	нефть, кўмир	газ
Транспорт	87,6	0	87,2	0	50,0	0	3,0	0
Электростанциялар	1,2	0	0,4	0	30,0	5	63	0
Коммунал хўжалик	9,2	0	21,0	0	4,0	1	14	0

Саноат	2	0	0,4	0	6,0	4	20	0
Жами	100	0	100	0	90	10	100	0

7– жадвалдаги маълумотларни ишончли ва тўлиқ бошқа давлатларга ҳам тегишли деб ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткичлардан шундай аниқ хулосага келиш мумкин: электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи энергетик қурилмалар (электростанциялар ва иссиқхоналар)да табиий газнинг ишлатилиши атроф муҳитга энг кам миқдорда негатив таъсир кўрсатади. У ёнгандан кейин олтигугурт оксидининг қаттиқ қисмлари (суюқ ва қаттиқ ёқилғи ёнганида албатта ажралиб чиқадиган) деярли ажралиб чиқмайди. Қишлоқ аҳоли пунктларини табиий газ билан таъминлаш бошқа ёқилғи турларини, қишлоқларда эса қимматбаҳо дарахтларни сақлашга, улардан тежамкорлик билан, самарали фойдаланишга имкон яратади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисини табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш меҳнат ресурсларини ўз диққат эътиборини бошқа иқтисодий масалаларни ҳал қилишга қаратишга шарт-шароит яратади. Табиий газдан фойдаланиш атроф муҳитни, айниқса атмосфера ҳавосини ўтин, кўмир ёки мазут ёнишидан ҳосил бўладиган захарли газлардан муҳофаза қилишнинг асосий йўлидир. Чунки, табиий газ, бошқа ёқилғи турларидан фарқли ўлароқ, ёнганда чиқинди газлар ҳосил бўлмайди, яъни табиий газ тўлиқ ёнади. Бу эса табиий газдан фойдаланишнинг иқтисодий самардорлиги бошқа ёқилғи турларига нисбатан анча юқори эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг саноати ривожланган етакчи мамлақати эканлигини кўпчилик билади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон машинасозлик, рангли металлургия, кимё ва нефткимёси, хуллас фан-техника тараққиётини таъминлаб берувчи барча тармоқлар ривожланган республикадир.


Табиий газдан хом ашё сифатида фойдаланувчи кимё ва нефткимё саноати юқори даражада ривожланган. Олмалик, Чирчиқ, Ангрэн, Навоий, Фарғона, Тошкент, Қоровулбозор, Олтиариқ ва бошқа шаҳарларда йирик кимё ва нефткимёси саноати корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улардан ташқари

Ўзбекистонда иссиқлик электро энергетикаси ҳам юқори даражада ривожланган. Ушбу тармоқ ҳам ёқилғи сифатида асосан табиий газдан фойдаланади. Республикада мавжуд «Навоийазот», «Электркимёсаноат» (Чирчиқ), Олмалик кимё заводи, «Фарғона азот» ва бошқа бирлашма ҳамда корхоналарнинг ҳар бири йилига бир неча юз миллион куб метр табиий газни ёқилғи ўрнида ишлатмоқда.

Табиий газга бўлган бундай муносабат бозор иқтисодиёти тамойилларига тўғри келмайди. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг 2002 йилда сўзлаган нутқида республикада табиий газдан ёқилғи эмас, балки хом ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини, табиий газ ўрнига мазут ва айниқса қўнғир кўмирни ишлатиш зарурлиги тўғрисида таъкидлаб ўтган. Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон қўнғир кўмирнинг йирик захирасига эга. Ангрен кўмир конида янги геологик- изланиш ишлари 2 млрд. тоннага яқин қўнғир кўмир захираси мавжудлигини тасдиқлади. Ушбу конда 2002 йилда 2,7 млн. тонна қўнғир кўмир қазиб олинди. Бу XX аср 80- йилларидаги кўрсаткичдан 2,5 марта паст. Шунинг учун кўмир қазиб олиш ҳажмини ҳеч бўлмаганда 80-йиллар даражасига чиқариш, табиий газ ўрнига кўмирдан ёқилғи сифатида фойдаланишга ўтишда имконият яратар эди.

Кўмир кимё ва нефткимёси тармоғининг йирик корхоналарида ҳам табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланишга барҳам берар ва шу орқали қимматбаҳо кимёвий хом ашёни тежашга йўл очар эди. Ҳозир Ўзбекистонда иссиқлик энергетикасида 2,0 млрд. куб метр, кимё ва нефткимёси корхоналарида 2,2 млрд, куб метр табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланилмоқда. Кўмирга ўтиш табиий газни тежаш билан бирга, ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга кенг йўл очиб беради.

Ҳозирги вақтда аҳолини иссиқлик, газ ва сув билан узлуксиз равишда сифатли таъминлашга республикада жуда катта эътибор берилмоқда. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мазкур соҳа еттинчи асосий устувор йўналиши деб белгиланган



4- расм. Ўзбекистон Республикасида газлаштириш даражаси

Буларнинг барчаси шаҳарларда жойлашган бўлиб, асосан Тошкент, Когон, Бухоро шаҳарларига тўғри келарди. Ана шу йили республикада яқка тортилган кўча газ тармоғининг узунлиги атиги 240 км.га тенг бўлган. Ўзбекистонда 1991-2012 йилларда аҳолини табиий газ билан таъминлаш ишлари бирмунча жонланган.

Газ таъминоти корхоналари ўзларининг газ қувурлари орқали табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришади. Газ таъминоти корхонасининг истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериши газ босими бўйича уч поғонали тизимда амалга оширилади. Яъни “Ўзтрансгаз” АҚСИ ГТС ларидан 12 кг/см² гача босим билан чиққан газ ҳудудий газ таъминоти корхонасининг юқори босимли қувурлари орқали юқори босимли ГТП (газ тақсимлаш пункти) га келади ва унинг босими бу жойда ўрта босимга туширилади (3 кг/см² гача пасайтирилади) ва юқори босимли ГТП дан чиқишдаги ўрта босимли газ қувури орқали ўрта босимли ГТП га келиб тушади.

Ўз навбатида ўрта босимли ГТП да газнинг босими ўрта босимдан паст босимга туширилади (3 кг/см² дан 0,05 кг/см² пасайтирилади) ва шундан кейингина аҳоли хонадонлари ва бошқа истеъмолчиларга паст босимли газ қувурлари орқали етказиб берилади. Баъзи бир йирик истеъмолчиларга юқори ёки ўрта босимли газ қувурлари орқали ҳам табиий газ етказиб берилади, улар ўз навбатида етказиб берилган газни ўзларига тегишли юқори ва ўрта босимли ГТП лари орқали қабул қилиб оладилар ҳамда белгиланган технологиялари асосида табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланадилар.

2.2“Чирчиқшаҳаргаз”да газ билан таъминланиш даражасини таҳлили

Ўзбекистонда аҳолини табиий газга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш масалаларига узлуксиз тарзда катта аҳамият берилиб келинмоқда. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш вазифасини мустақиллик йилларининг дастлабки даврида коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги амалга ошириб келди. Ҳозирги кунда бу вазифани ҳудудлараро газ таъминоти унитар корхоналари, шаҳар ва туман газ филиаллари Ўзтрансгаз АКнинг ҳудудлардаги кохоналари амалга оширмоқда. Агентлик ва унинг тегишли вилоят, шаҳар, туман ташкилотларининг фаолият доираси шаҳар ва шаҳарчалар, туман марказлари ва ҳудудлари билан чегараланади.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрига “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонаси филиали “Чирчиқшаҳаргаз” хизмат кўрсатади.

Тошкентшаҳаргаз филиали томонидан истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизмат турлари қуйидагилардан иборат.

1. Ҳисоблагичларни ўрнатиш.
2. Газ асбобларини ўрнатиш, ўрнини ўзгартириш.
3. Газ асбобларини ишга тушириб, созлаб бериш.
4. Газ асбобларини жорий капитал таъмирлаш.

Аҳоли истеъмолчиларида газ сарфи ҳисобини олувчи газ ҳисоблагичлар қуйидагилардан иборат. Аҳоли истеъмолчиларида газ ҳисоблагичларнинг камерали (мембранали), роторли турлари ўрнатилган:

1. Роторли.
2. Камерали (мембранали).

Роторли газ ҳисоблагичларга РЛ русумли ҳисоблагичлар киради, соатига 0,1 м³ дан 16,0 м³ гача бўлган табиий газ сарфини ўлчаш учун ишлатилиб, хатолик даражаси 2,5-3%ни ташкил этади (фақат паст босимларда фойдаланилади). Камерали (мембранали) ҳисоблагичларга G-1,6;G-2,5;G-4;G-6;G-10 русумли ҳисоблагичлар киради, соатига 0,1 м³ дан 16,0 м³ гача бўлган табиий газ сарфини ўлчаш учун ишлатилиб, хатолик даражаси 2,5-3 %ни ташкил этади (фақат паст босимларда фойдаланилади). Ҳисоблагичларнинг камчиликлари: маълумотларни масофада туриб олиб олиш имконияти йўқлиги; қарздорлиги мавжуд бўлса масофада газ таъминотидан узиб қўйиш имконияти йўқлиги; маълум вақт истеъмолда бўлгандан сўнг, хатолик даражасининг кескин ортиб кетиши (2,5-3 % 2,5-3 % ўрнига 8-10 %);

Ҳисоблагичлар асосан четдан келтирилиши муносабати билан таъмирлаш базасининг йўқлиги. Тошкент шаҳрида электрон газ ҳисоблагичларнинг қуйидаги турлари ўрнатилган:

1. Диафрагмали.
2. Турбинали.
3. Ультратовушли.
4. Камерали.

Диафрагмали электрон газ ҳисоблагичларга АВТОПИЛОТ, ФЛОБОСС, АВТОГРАФ русумли ҳисоблагичлар киради, асосан соатига 1000 минг м³ дан юқори табиий газ сарфини ўлчаш учун ишлатилиб, хатолик даражаси 1,5 %ни ташкил этади (ўрта ва юқори босимларда фойдаланилади). Йирик саноат корхоналарида фойдаланилади. Турбинали электрон газ ҳисоблагичларга КИ СТГ, Элстер, ТДС русумли ҳисоблагичлар киради, соатига 10 м³дан 1600 м³гача бўлган табиий газ сарфини ўлчаш учун ишлатилиб, хатолик даражаси 2,5-3%ни

ташкил этади (ўрта ва юқори босимларда фойдаланилади). Саноат ва маиший корхоналарда фойдаланилади. Ультра товушли электрон газ ҳисоблагичларга АГАТ. УБСГ русумли ҳисоблагичлар киради, соатига 0,1м³ дан 40 м³ гача бўлган табиий газ сарфини ўлчаш учун ишлатилиб, хатолик даражаси 2,5-3 %ни ташкил этади (асосан паст ва баъзан ўрта босимларда фойдаланилади). Ўрта маиший ва алоҳида тартибдаги истеъмолчиларда фойдаланилади. Камерали электрон газ ҳисоблагичларга ОМЕГА русумли ҳисоблагичлар киради, соатига 0,1 м³ дан 6,0 м³ гача бўлган табиий газ сарфини ўлчаш учун ишлатилиб, хатолик даражаси 2,5-3 %ни ташкил этади (фақат паст босимларда фойдаланилади). Кичик маиший ва якка тартибдаги истеъмолчиларда фойдаланилади. Камерали ҳисоблагичлардан мисол қилиб, олдиндан тўлов модулли “Федералгаз”ҚК ҳисоблагичларини келтиришимиз мумкин. Соатига 0,1 м³ дан 6,0 м³ гача бўлган табиий газ сарфини ўлчаш учун ишлатилиб, хатолик даражаси 2,5-3 %ни ташкил этади (фақат паст босимларда фойдаланилади). Кичик маиший ва алоҳида тартибдаги истеъмолчиларда фойдаланиш мумкин.

Чирчиқшаҳаргаз бўйича 2013-йил 1-январ ҳолатига жами газлаштирилган хонадон ва хусусий уйлар сони 45961та ва 602 та улгурчи истеъмолчилари мавжуд. Бундан газ ҳисоблагичлари ўрнатилган хонадонлар 35150 тани, газ ҳисоблагичлари ўрнатилмаган хонадонлар (норматив бўйича тўловчилар)сони 6682 тани ва 4131та истеъмолчи вақтинча газ тармоғидан ўчиқ. Бу кўрсаткичлар 2011 йил 1-январ ҳолатига нисбаттан хонадон ва хусусий уйлар истеъмолчиларининг кўпгина қисмига ҳисобдонлар ўрнатилган 5-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги “Уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли Қарори асосида кўп қаватли хусусий уйлар ва хонадонларгагаз ҳисоблагичлари ўрнатиш кўздатутилган. Бундан асосий мақсад аҳоли газ сарфидан самарали фойдаланишдир.

8-жадвал. Чакана ва улгуржи истеъмолчиларга ҳисобдонлар билан таъминланганлик курсаткичлари

Т/р	Номи	2010 й.	2011 й.	Ўзгариши		2012 й.	Ўзгариши	
				(+/-)	(%)		(+/-)	(%)
1.	Чакана истеъмолчилар:	43159	45022	1863	4,31	45961	2802	6,51
	-Хисобдон ўрнатилган	20160	31259	11099	54,3	35150	14990	74.3
	-Норматив бўйича (ҳисобдонсиз)	21622	13763	-7859	36,3	6682	-14940	69.09
	-истеъмолчи вақтинча газ тармоғидан ўчиғ	2377	3476	1099	46.2	4131	1754	72.6
2.	Улгуржи истеъмолчилар	514	604	90	17,5	602	-2	17,1

Кўп қаватли уйлар ва хусусий уйлар хонадонларига газ ҳисоблагичлари ўрнатилган ва ўрнатилмаганини кўришимиз мумкин. Масалан, 2012 йилда кўп қаватли уйлар хонадонларининг газ ҳисоблагичлар ўрнатилгани сони 35150тани ташкил этган бу 2010 йилга нисбаттан 74.3% кўпайган, газ ҳисоблагичлари ўрнатилмагани сони аксинча 69.09%га камайган, яъни 6682тани ташкил этади. Қатъий чоралар кўрилганлиги сабабли истеъмолчиларни вақтинча газ тармоғидан ўчириш 72.6%га кўпайиб кетган, бунинг асосий сабаблари деб ноқонуний газ тармоқларига яширинча уланиш, ортиқча газ исрофгарчиликга йўл қўйилганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли Қарори билан тасдиқланган «Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва яқка тартибдаги уйларда урнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби туғрисида»ги Низомга кўра,

ностандарт газ асбобларидан фойдаланувчи абонентларнинг манзили кўрсатилган (ишлатилаётган ностандарт асбобларнинг сони кўрсатилган ҳолда) рўйхати тузилади, шундан сўнг ушбу абонентлар техника хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ностандарт газ ёқиш мосламаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳамда уларнинг стандарт газ асбобларига алмаштириш зарурлиги тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим Таъминот сифатини яхшилаш ва истеъмолчилардаги газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича ишларни ташкиллаштириш аҳоли ва улгуржи фойдаланувчиларнинг газдан фойдаланиш асбобларига профилактика хизмати кўрсатиш ва техник тафтиш ўтказиш режаси, бажариладиган шартли birlikлар кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Режада белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилиши керак.


10-жадвал. “Чирчикшаҳаргаз” филиали бўйича улгуржи истеъмолчилар истеъмол қилган табиий газ тўғрисида малумот (минг м³)

№	Улгуржи истеъмолчилар		Ўз эҳтиёжи ва технологик йўқотишлар	Қабул қилинган ва сотилган газ орасидаги тафовут
1.	электростанция	-	195.206	-
2.	Иссиқлик манбаи	863.963		-
3.	Диний ташкилот	5.587		-
4.	Маҳаллий бюджет	40.386		-
5.	2-коэффициент	-		-
6.	Республика бюджети	287.076		-
7.	Қурилиш материаллари	-		-
8.	Якка тартибдаги тадбиркорлар	228.278		-
9.	иссиқхоналар	-		-
10.	бошқалар	2796.862		-
	жами	4287.062		-

2.3 “Чирчиқшаҳаргаз” филиалида газ таъминоти ва хизмат

кўртсатиш тизими таҳлили

Кейинги вақтда истеъмолчиларга ўртача йилига 35 минг.м³ дан кам бўлмаган миқдорда табиий газ етказиб берилмоқда. 1991 - 2012 - йилларда газ таъминоти корхоналари томонидан аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга етказиб берилган табиий газ ҳажмлари қуйида ўз аксини топган.



6 - расм. 2004-2010 йилларда истеъмолчиларга сотилган табиий газнинг солиштирма таҳлили (млн м³)

Жадвалда келтирилган рақамлар таҳлилига кўра 2004 йилга нисбатан 2010-2012 йилларда табиий газнинг истеъмол ҳажми деярли 2,2 млрд.м³ га камайган. Бунинг асосий сабаби республикамизда аҳоли хонадонларига газ сарфини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатилиши оқибатида табиий газни тежамкорлигига эришилганлигидир. 2012 йилда газлаштирилган хонадонларнинг сони 45961 тага, шу жумладан, шаҳар ва шаҳарчаларда 1865,7 тага етди, салмоғи эса 83,2 % га (шу жумладан қишлоқ жойларда 64,5 %) етди. Шаҳар ва шаҳарчаларни газлаштириш даражаси 2011 йил 1 январда 61,6 % га тенг бўлди.

11-жадвал. Аҳолига тортилган кўча газ тармоғининг узунлиги(км)

№	Худудлар	Ўлчов бирлиги	Газ кувурлар- нинг умумий узунлиги	Шу жумладан		
				Юқори босим	Ўрта босим	Паст босим
1.	Чирчиқ- шаҳаргаз	км	3744.8	129	473	3452.8
	-Қибрай	км	1169.1	42	175.2	1145.06
	-Чирчиқ шаҳри	км	1375.7	38	127.8	1260
	-Юқори Чирчиқ	км	1200.9	49	170	1047.74

Бундай юқори кўрсаткичларга эришиш учун жами 12,9 минг.м газ тармоқлари қурилган, шундан юқори босимли – 2,5 минг.м, ўрта босимли -6,5 минг.м ва паст босимли –8,9 минг.м. Тошкентшаҳаргаз газ таъминоти корхонасининг мавжуд газ қувурлари узунлиги ҳақида 2011 йилнинг 1 январь ҳолатигача бўлган маълумотлар юқоридаги 11-жадвалда келтирилган.

Газ таъминоти сифатини яхшилаш ва истеъмолчилардаги газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича ишларни ташкиллаштириш аҳоли ва улгуржи фойдаланувчиларнинг газдан фойдаланиш асбобларига профилактика хизмати кўрсатиш ва техник тафтиш ўтказиш режаси, бажариладиган шартли бирликлар кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Режада белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилиши керак. Тошкентшаҳаргаз томонидан берилган маълумотларга қараганда филиалда тўлов тизимида ўз ўрнига эга бўлган нақд пулсиз ҳисобларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Коммунал тўловларини нақд пулсиз тўлашда аҳоли пластик карточкалари асосида ҳисоб-китобни амалга оширмоқда. Бу эса аҳоли томонидан коммунал тўловларини ўз вақтида тўланишини

таъминлашда автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш усул ва технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишни талаб этмоқда.


9-жадвал. Умумий қолдиқ ва тўловлар тўплами (минг)

№	Участкалар номи	Абонент-лар сони	2012 йил бўйича		Жами тўловлар миқдори йил охирида	Тушум актлари
			Дебит	Кредит		
1	Участок 1	9326	1304652,7	1481895,3	442029,9	3224
2	Участок 2	9838	1020974,1	1137624,2	246586,5	-4860
3	Участок 3	8499	882473,4	988176,8	231807,2	298,1
4	Участок 4	9871	1287757,6	1467514,5	363423	209,2
5	Участок 5	8433	1291283,7	1435091,1	346151,1	42,7
6	филиал	2	7306,6	2195,6	-488,2	-3333,8
	жами	45961	5794547,6	6512497,5	1629509,2	392,6

Юқоридаги жадвалда Чирчиқ шахридаги газ билан таъминлаш участкалари кўрсатилган бўлиб, унда аҳолининг 2012 йил газ хизматлари учун тўланган тўловлари ва қарзлари кўрсатилган. Жадвалда аҳолига берилган газ ва унга тўланган тўловлар ўртасида тафовут мавжуд бўлиб, бу 2011 йилнинг куз-қиш мавсуми учун тўланмай қолган қарзлари ҳисобига келиб чиққан.

Аҳоли хонадонларидаги маиший газ ускуналарининг хавфсиз ишлатилиши ва тегишли ҳолатда сақланиши учун жавобгарлик уларнинг эгалари зиммасига юклатилади. Уй ички газ ускуналарига техник хизмат кўрсатишдан мақсад, газ ускуналарининг соз ҳолатда сақланиши ва хавфсиз ишлатилишини

таъмин-лашдан иборат. Ҳар йили уйларнинг ички газ ускуналарига хизмат кўрсатилиши лозим. Газ ускуналарига хизмат кўрсатиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади: ҳар йиллик режали таъмирлаш (тафтиш), профилактик хизмат кўрсатиш, режадан ташқари буюртмалар бўйича таъмирлаш ишларини олиб боришлари шарт. Янги технология ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, бошқаришни йўлга қўйиш керак. Хизматларнинг ўзи истеъмолчи учун бевосита қулайликлар туғдириши лозим.



7-расм. 2010-2012 йилларда Чирчиқ шаҳрида истеъмолчиларга сотилган табиий газнинг солиштира таҳлили (м³)

Шаҳарда хонадонларни газлаштириш суръатлари 1999-2009 йилларда олдинги ўн йилликка нисбатан бирмунча пасайган бўлса ҳам, қўшимча салкам 29 минг хонадон табиий газ билан таъминланди.

2012 йил 2010 йилга нисбатан 2.9% газ сарфи кўпайган. Таҳлил қилиш сабаби хисобдон кўрсаткичларни тўлиқ олиш имкони бўлмаганлиги бўлиб, шу хисобдон кўрсаткичлари олинмаган хонадонларга мониторинг асосида газ ёпилганлигидир. “Чирчиқшаҳаргаз” филиалига ҳозирда бир нечта шаҳобчалар орқали 46та маҳаллага 286131нафар аҳоли газдан фойдаланади. Бундан ташқари саноат ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари 1092тани ташкил қилади.

Магистрал газ қувурларида ўтаётган газнинг миқдори ўзгармас булгани учун истеъмол камайган вақтда ортиқча газни бирор жойда сақлаб, истеъмол кўпайган вақтда йиғилган газни газ қувуридан келаётган газга қушиб, истеъмолчилар максимал эҳтиёжини қоплашга юборилади. Газнинг сарфи соат, кун ва йил давомида ўзгариб туради. Газ ишлатиш нотекикликлари соатлик, суткалик ва мавсумий бўлади. Суткалик нотекикликда кечаси сарф камаяди, кундузи ошади. Буни қоплаш учун магистрал газ қувурларининг шаҳарга яқинлашган жойдаги геометрик ҳажмидан фойдаланади, яъни кечаси шаҳарда сарф камайганда магистрал қувурдан келаётган газ унда йиғилиб, қувурдаги босим ошиб боради, яъни газ йиғилади. Кундузи эса, сарф ошганда йиғилган газ истеъмолчиларга берилиб, магистрал газ қувурларидаги ортиқча босим пасаяди.



III-БОБ. ГАЗ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Турар жойлар газ таъминоти яхшилаш йўналишлари

Талаб этилаётган шарт-шароитларни фақат ҳозирги вақтда фойдаланилаётган умумлаштирилган кўрсаткичлардан ахборот таркибини формализациялаш ва ахборот алмашиш жараёнини автоматлаштириш баробарида деталлаштирилган маълумотларга ўтиш йўли билан таъминлаш мумкин. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган газ етказиб бериш балансларини шакллантириш механизми нафақат йириклаштирилган кўрсаткичлардан фойдаланиш билан, балки маълумотлар билан ишлашни автоматлаштиришнинг фоят паст даражаси билан ҳам тавсифланади. Бу қуйидаги салбий жиҳатларнинг мавжуд бўлишини белгилаб беради:

- жойларда газ етказиб бериш баланслари бўйича буюртмаларни расмийлаштиришда турли хилдаги хатоларнинг пайдо бўлиши;

- “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасидан буюртмалар почта орқали хат билан жўнатилади ва факсдан такрорий чиқарилади;

- электрон почта орқали буюртмалар бериш регламентланмаган, қўшимча тарзда қўлланилмоқда ва узатилган материалдан автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш режимида фойдаланиш имконини бермайди;

- буюртмалардаги маълумотлар сонининг камлиги шунга олиб келадики, балансларни оптималлаштириш тахминий, баҳолаш хусусиятига эга;

- баланс электрон шаклга эга эмас, бу ҳам ахборотларга қўлда ишлов бериш ҳажмини оширади;

- мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор таркибида туман газ бўлимлари буюртмаларида деталлаштирилган ахборотларнинг мавжуд эмаслиги балансларнинг умумлаштирилган кўрсаткичларидан режали графикларга ўтиш имконини бермайди.

Газ етказиб бериш мажмуи даражасида назарда тутилаётган интеграл ахборотлар механизми ва табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор

доирасида ўзаро ҳисоб-китоблар механизмининг вазифаси газ тизимлари ва объектлари ишлашининг оптимал режимини таъминлашдан иборат. Истиқболга қўйилган вазифа қуйида келтирилган минтақавий газ Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил етказиб бериш мажмуи интеграциялашган ахборот тизимининг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш услубиёти доирасида ҳал этилди. Ягона оператор доирасида табиий газни етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш механизми қуйидаги 12-жадвалда келтирилган.

1- сервер ахборот манбалари табиий газ тижорат ҳисоби→ тизими, газ етказиб бериш чизмалари бўйича маълумотлар ↕	5-сервер ҳисоб-китоб ↕		9-сервер туман газ бўлимлари ўртасида газ→ етказиб бериш кўрсаткичлари ҳисоби	15-сервер туман газ → балансларини шакллантириш	18-сервер яқуний ҳисобот
2-сервер “Ўзтрансгаз” АК табиий газ → таъминотчилари ↕	6-сервер ахборот → маълумотлар базаси ва архивлар →		10-сервер тезкор → баланслар	16-сервер шартномавий→ сальдо	
3-сервер Тошкентшаҳаргаз→ Филиали корхонаси туман газ бўлимлари ↕	↑ 7-сервер WEB	↑ 8-сервер ахборотлар алмашуви	11-сервер шартномалар→ реестри		
4-сервер йирик истеъмочилар			12-сервер тезкор ҳисобот → баланслари	13-сервер режавий баланслар→	
			14-сервер ҳисоб-китоб газ етказиб→ бериш чизмалари		

12-жадвал. Ягона оператор доирасида табиий газни етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш механизми.

Таклиф этилаётган ахборот таъминотини ташкил қилиш механизми табиий газнинг тижорат ҳисоби тизими ва газ етказиб бериш чизмалари бўйича маълумотлар 1-серверда мужассам этилган. 2-серверда “Ўзтрансгаз”АК табиий газ таъминотчилар, 3-сервер “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонаси туман газ бўлимлари, 4-сервер ўзаро алоқа каналлари билан боғланган йирик истеъмолчилар, 5-сервер ҳисоб-китобларни амалга ошириш, 6-сервер ахборот маълумотлар базаси ва архивлаш, 7-WEB-сервер ва 8-ахборотлар алмашуви сервери билан уланган. Алоқа каналлари сифатида телефон алоқа каналларидан ёки Интернет ахборот тизими алоқа каналларидан фойдаланилади. Механизмга қўшимча тарзда 6-ахборот маълумотлар базаси ва архивлаш серверининг чиқиши ва 15-сервер «Тошкентшаҳаргаз» филиали корхонаси туман газ балансларини шакллантириш, 16-сервер шартномавий сальдо-етказиб бериш ва 17-йўқотишларни ҳисоблаш серверларининг кириши билан уланган, 9-сервер «Тошкентшаҳаргаз» филиали корхонаси туман газ бўлимлари ўртасида газ етказиб бериш алмашуви кўрсаткичларини ҳисоблаш, 10-север тезкор баланслар, 11-сервер шартномалар реестри, 12-сервер тезкор ҳисобот баланслари, 13-сервер режавий баланслар, 14-сервер ҳисоб-китоб газ етказиб бериш чизмалари, 15-“Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонаси туман газ балансларини шакллантириш серверлари киритилган. Бунда 15, 16, 17-серверлар ўзаро ва 18-якуний ҳисобот серверини кириши билан уланган. 18-якуний ҳисобот серверининг чиқишлари 2-сервер “Ўзтрансгаз”АК табиий газ таъминотчилари, 3-сервер “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонаси туман газ бўлимлари ва 4-йирик истеъмолчилар серверларининг киришлари билан уланган. Серверлар сифатида серияли чиқариладиган серверлардан фойдаланилади. 5-18-серверлар газ етказиб бериш тармоғи операторининг функциясини бажарувчи ва табиий газнинг газ етказиб бериш балансларини шакллантирувчи мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор таркибига киради. Табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор доирасида минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида таклиф этилаётган интеграл механизм қуйидаги тарзда амал қилади. Ўзаро ҳисоб-китоблар мақсади сифатида

хар бир ҳисоб-китоб даври учун иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг барча субъектлари бўйича мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор табиий газни ҳажмининг сальдосини аниқлаш қабул қилинган. Газ саноати корхоналарида балансларни шакллантириш учун иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг иштирокчилари режалаштирилади давр учун буюртма беради.

Мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасидан олинган маълумотлар қуйидагиларни ўзида мужассам этиши лозим:

- характерли кунлар бўйича ўртача қилиб кўрсатилган режавий графиклари;

- шахсий эҳтиёжлар учун табиий газнинг ўртача солиштирма сарфи;

- етказиб бериш ўзгаришининг энг паст ва энг юқори чегаралари;

- табиий газ нархи;

- ҳисоб-китоб сальдоси

Иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг иштирокчилари буюртмаларни расмийлаштиришни 2-сервер табиий газ таъминотчилари, 3-сервер «Тошкентшаҳаргаз» филиали корхонаси туман газ бўлимлари, 4-йирик истеъмолчилар серверлари ёрдамида бажаришади. Ушбу серверлардан ахборот 6-ахборот маълумотлар базаси ва архивлаш серверининг киришларига келиб тушади. Бошланғич ахборот 2, 3, 4-серверлар билан уланган 1-ахборот манбалари ёрдамида шаклланади. Ушбу серверлар ўртасида ҳам ахборот алмашуви амалга оширилади. 5-сервер ҳисоб-китоб, 7-WEB-сервер ва 8-ахборотлар алмашуви сервери, 6-ахборот маълумотлар базаси ва архивлаш сервери балансларни амалга ошириш ва табиий газ улгуржи бозорини бошқариш учун бошланғич маълумотларни тайёрлайди. Табиий газни ишлаб чиқаришга тааллуқли барча ахборот иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг иштирокчиси томонидан тўлдирилади. Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида тизимнинг ишлаши тартиботлари табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор бошқарувчи компанияси томонидан ўрнатилади ва ҳисоб-

китоб алгоритмидан келиб чиқиб, иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг иштирокчиси билан келишилади. Тайёрланиб, тўғриланганидан сўнг, ахборот 9-10-серверларга келибтушади, ушбу серверлар:

- баланслар ҳисоб-китобини таъминлайди;
- шартномалар бўйича меъёрий ҳужжатлар айланишини ташкил этади;
- шартномалар бўйича ягона ахборот манбаини яратади;
- мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор - “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасининг йиғма газ етказиб бериш балансларини шакллантиради.

11-тезкор баланслар сервери ёрдамида қуйидагилар амалга оширилади:

- мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона операторнинг шартномалари бўйича ягона ахборот манбаини тайёрлаш;
- мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона операторнинг газ етказиб бериш балансини тезкор назорат қилишни ташкил этиш.

- 12-тезкор ва ҳисобот баланслари сервери ёрдамида қуйидагилар амалга оширилади;

- мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор - “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасининг йиғма газ етказиб бериш балансларини шакллантириш;

- мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор таркибида “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасининг ҳисобот газ етказиб бериш балансини назорат қилишни ташкил этиш;

Юқорида келтирилган фикрларга мувофиқ Ўзбекистонда газ тизимини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари қуйидалардан иборат:

соҳанинг барқарор ишлашини таъминловчи ва мамлакат иқтисодиётини яхшиловчи иқтисодий инвестицион сиёсат юргизиш (ўтказиш);

мамлакатнинг табиий ресурсларга бой қисмларидаги минерал хом ашё базасини кенгайтиришга қаратилган, ҳамда иқтисодий ва экологик факторларни

ҳисобга олган ҳолда табиий газ конларини ўзлаштириш кетма-кетлигини аниқ белгилаб олишга қаратилган ишларни амалга ошириш;

келажакда кидирув, казиб чиқариш, транспорт қилиш ва технологиялар яратиш йўли билан муайян табиий шароитларга мослаштирилган ҳолда газни қайта ишлаш соҳасининг техник потенциалини такомиллаштириш;

газни тўғридан – тўғри ёқишга нисбатан унинг реализацион баҳосини оширишни ҳамда газ таркибидаги ноёб компонентларидан янада ихтисослашган ҳолда фойдаланишни таъминлайдиган газни комплекс қайта ишлашни кенгайтириш;

Аҳолига уй-жой ва коммунал хизмати кўрсатиш масаласи ҳал этилаётганда шуни эътиборга олиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланиши, юқорида айтилганидек фақатгина чегараланган талабнинг таъсири остида намоён бўлмайди. Бунда қатор самарадорликка эришиш лозим, яъни шу хизматларга эҳтиёжни шакллантириш зарур. Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимлари фаолият кўрсатишини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда оптималликнинг мавҳум мезонларига эмас, балки корхоналарга тегишли хизматларнинг мавжуд функциялари ва ваколатлари кенг тўпламини соддалаштирувчи ахборот асосида таркибланиш учун қулай восита ҳисобланган ахборот таъминотига асосландик.

Газ сарфининг мавсумий ўзгаришларини ростлаш. Газнинг сарфи соат, кун ва йил давомида ўзгариб туради. Магистрал газ қувурларида ўтаётган газнинг миқдори ўзгармас. Шунинг учун истеъмол камайган вақтда ортиқча газни бирор жойда сақлаб, истеъмол кўпайган вақтда йиғилган газни газ қувуридан келаятган газга қушиб, истеъмолчилар максимал эҳтиёжини қоплашга юборилади. Газ ишлатиш нотекикликлари соатлик, суткалик ва мавсумий бўлади. Суткалик нотекиликда кечаси сарф камаяди, кундузи ошади. Буни қоплаш учун магистрал газ қувурларининг шаҳарга яқинлашган жойдаги геометрик ҳажмидан фойдаланади, яъни кечаси шаҳарда сарф камаяганда магистрал қувурдан келаятган газ унда йиғилиб, қувурдаги босим ошиб боради,

яъни газ йиғилади. Кундузи эса, сарф ошганда йиғилган газ истеъмолчиларга берилиб, магистрал газ қувурларидаги ортиқча босим пасаяди.

Мавсумий нотекисликни қоплаш учун эса ер ости газ омборларидан фойдаланилади. Газ омборлари сифатида йирик шаҳарлар яқинидаги газ-нефть конларидан фойдаланиш мумкин. Агарда бундай эски конлар бўлмаса, геологик қидирув ишлари билан шаҳар яқинида ғовак, сувли ер ости структуралари аниқланиб, улар ер ости газ омбори (подземное хранилище газа ПХГ) сифатида ишлатилиши мумкин. Бунда ғовак қатламларининг тепа қисми мустаҳкам, зич қатламдан иборат бўлиши керак. Бу омборларига ёз пайтида ортиқча газ камалиб, куз ва киш пайтида газ истеъмоли ошганда йиғилган газ магистрал газ қувуридан келаётган газ билан бирга истеъмолчиларга берилади. Бундан ташқари, ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларда газ сақлаш учун газгольдер станциялари қурилган. Уларда цилиндрсимон ёки шарсимон 0,8 ÷ 1,1 МПа босимга мўлжалланган пўлат цистерналардан фойдаланилган. Газгольдер станциялари ҳам факат суткалик ва соатлик нотекисликни қоплашга ишлатилган. Ҳозирги пайтда бундай станциялар ишлатилмайди, чунки улар хавфли, кўп металл сарфланади. Ҳозирги даврда йирик шаҳарлар олдида асосан ер ости газ омборлари қурилган.

Ер ости газ омборлари нисбатан хавфсиз ва кўп миқдорда газ сақлашга хизмат қилади. Уларни қуриш ва жиҳозлаш учун кўп маблаг сарф қилинади. Ер ости газ омбори қурилиш учун ер ости структурасининг ғоваклиги 15 % дан кам бўлмаслиги керак, ҳамда ғовак қатлам устидаги зич қатламнинг қалинлиги 15 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Газ истеъмоли мавсумий нотекислигини қоплаш учун газда мавсумий ишлайдиган саноат корхоналари ва иссиқлик электр станцияларидан фойдаланилади. Бундай корхоналар ёз фаслида газда ишлайди, лекин иситиш даври бошланиши билан резерв ёқилғи (кумир ёки мазут) ёқишга ўтказиладилар.

3.2 Табиий газ таъминоти соҳасини ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари

Ҳозирги вақтда аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш, тарқатувчи газ қувурлари ва улардаги қурилмаларни эксплуатация қилиш билан республика бўйича “Ўзтрансгаз” АКгига қарашли 14 та ҳудудий газ таъминоти корхоналари (ХГТК) шуғулланмоқда. Ҳудудий газ таъминоти корхоналари таркибига 201 та туман филиаллари киради.

ХГТК лари балансида 115,9 минг км газ қувурлари (шу жумладан 12,3 минг км юқори босимли, 25,8 минг км ўрта босимли ва 77,8 минг км паст босимли) мавжуд бўлиб шундан 24,1 минг км ер ости ва 91,8 минг км ер усти газ қувурларидир. Ҳозирги кунда республикаимиз табиий газ таъминоти соҳасини бошқаришда кўплаб муаммолар вужудга келган бўлиб улар қуйидагилардан иборатдир:

Аҳоли истемолчилари томонидан ностандарт газ жиҳозлари ва ёндиргичларидан фойдаланиш;

Газ тармоқларига ноқонуний уланиб олиш ва газдан ноқонуний фойдаланиш (ўғирлаб фойдаланиш);

Табиий газ тармоқларида газ босимининг қиш пайтида пасайиб кетиши;

Табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги;

Аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ сарфини ҳисоблаш ускуналарининг ҳар ойлик кўрсаткичларини тўлиқ олиб чиқиш имкониятининг йўқлиги;

Ҳудудий газ таъминоти корхоналари юридик шахс мақоми ва тугалланган балансга эга бўлганидан кейинги молиявий аҳволига табиий газнинг республика бўйича бир хилдаги сотиб олиш нархларининг салбий таъсири.

Ушбу санаб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал этиш ёки бартараф этиш учун бир қанча кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқиб уларни амалга ошириш лозим. Яъни аҳоли истеъмолчилари томонидан ностандарт газ жиҳозлари ва ёндиргичларидан фойдаланиш ҳамда газ тармоқларига ноқонуний уланиб олиш ва газдан ноқонуний фойдаланиш (ўғирлаб фойдаланиш) ҳолатларини олдини олиш учун табиий газдан оқилона фойдаланиш (беҳуда йўқотишларни

камайтириш), аҳоли газ ускуналарини стандартлаштириш, табиий газ истеъмоли устидан назоратни кучайтириш, истеъмолчиларнинг газ сарфини ҳисоблаш ускуналарига бир марталик номерланган тамғалар ўрнатиш, муқобил ёқилғи турларидан фойдаланиш (суюлтирилган газ, қўмир, утин, куёш энергиясидан фойдаланиш, номарказлашган иссиқлик таъминотига утиш) ни жорий этиш каби тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Табиий газ тармоқларида газ босимининг қиш мавсумида пасайиб кетиши муаммоси жойлардаги газ таъминоти сифатининг пасайиб кетиши ўз навбатида, фойдаланилган газ учун ўз вақтида тўловларни амалга оширилмаслиги ва истеъмолчиларнинг норозиликлари каби муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш эса газ таъминоти тизимидаги юқори босимли газ қувурлари салмоғини ошириш оқали ўз ечимини топиши мумкин.

Яна бир муҳим муаммо истеъмолчиларнинг фойдаланилган табиий газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаётганликларидир. Бу муаммо ўз навбатида газ таъминоти корхоналарининг газ етказиб берувчи (“Ўзтрансгаз” АК), бюджет ва бюджетдан ташқари корхоналар олдида кредитор қарзларини, шунингдек ишчи ва хизмачиларнинг иш ҳақлари бўйича қарзларини ошиб кетишига ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган айланма маблағлар тақчиллигига сабаб бўлмоқда. Бу муаммонинг келиб чиқиш сабабларидан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 й. N 57 – сонли “Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида” ги қарорининг 5-иловасида “Олинган табиий газ учун ҳисоб-китоб қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик корхоналар”га дебитор қарзларига қарамай узлуксиз газ таъминотини амалга оширишни давом эттирилиши ва уларга газ таъминотини тўхтатиб қўйиш имконияти йўқлигидир.

Бу муаммони ҳал этиш учун албатта давлат томонидан ушбу корхоналарни молиявий соғломлаштириш орқали уларнинг тўлов қобилиятини ошириш бўйича ислохотларнинг амалга оширилиши керак бўлади.

Ҳозирги кунда газ таъминоти соҳасида аҳолига хизмат кўрсатувчи ва аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ сарфини ҳисоблаш ускуналарининг ҳар ойлик кўрсаткичларини олиб чиқувчи жами 245 та назоратчи ишламоқда. Газлаштирилган аҳоли хонадонлари сони эса 45961 минг тани ташкил этади ёки битта назоратчига ўртача 187 та хонадон тўғри келади (Бу кўрсаткич ҳар бир ҳудуд бўйича ҳар хил). Бундан кўришиб турибдики назоратчи ҳар ойда аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ сарфини ҳисоблаш ускуналари кўрсаткичини тўлиқ олиб чиқиш ва аҳоли томонидан табиий газдан оқилона ва тўғри фойдаланиланаётганлигини назорат қилиб бориш имкониятига эга эмас. Бу муаммо ҳам ўз навбатида газ таъминоти корхоналари учун аҳоли қарздорлигини ўсиб бориши, етарли даражадаги назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида газдан нооқилона фойдаланилиши ва шунга ўхшаш бошқа бир қанча қўшимча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу муаммони ижобий ҳал этишда аҳоли хонадонларига дистанцион бошқариладиган газ сарфини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш ва уни шаҳар, туман миқёсида марказлашган ҳолда бошқариш тизимини жорий қилиш асосида газ сарфи устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминлаш мумкин. Шу билан бирга ушбу тизим жорий қилинганда аҳолининг дебиторлик қарздорлигига ҳам барҳам бериш ва олдиндан тўлов системасига ўтиш имконияти туғилади. Ушбу турдаги газ сарфини ҳисоблаш ускуналарига карточка системаси асосида тўловлар киритилади ва ўз навбатида истеъмолчининг тўлов суммаси тугаши билан газ таъминоти марказлаштирилган компьютер орқали тўхтатилади бу система уяли алоқа тизимидаги тўлов системасига ўхшашдир. Бу эса ўз навбатида истеъмолчини табиий газ тармоғидан қарздорлик муддатида узиб қўйиш ва тўлов амалга оширилганидан кейинги қайта улаш харажатларини тўлиқ камайтириш ва энг асосийси вақт омилини тежашга имконият беради.

Албатта ушбу чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун кўплаб моддий ресурслар ҳамда молиявий маблағлар керак бўлади. Газ таъминоти соҳасининг ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда бу ишларни ўз кучи билан амалга ошириш учун молиявий имконияти етарли эмас.

Шундай экан бу соҳани ривожлантириш учун албатта унга бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш орқали тўлиқ бозор муносабатларига ўтишини таъминлаш зарурати ва табиийки ушбу ишларни амалга ошириш учун инвестицияларга эҳтиёж туғилади.

Кейинги муаммо – бу газ таъминоти соҳасида таркибий ўзгаришларни мақсадга мувофиқ амалга ошириш ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча иккинчи босқичда етказиб беручилардан газни қабул қилиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг мавжуд схемасини ҳисобга олган ҳолда “Ўзтрансгаз” АКсининг 14 та ХГТК ларини ҳудудий ОТХЖ (ОАО) ларига (шаҳар ва туманлардаги филиалларига эга бўлган) айлантириш йўли билан хусусийлаштириш. Ташкил этиладиган ОТХЖ лари устав фондига ХГТК лари ҳисобидаги газ қувурлари, қурилмалар, бино ва иншоотларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташкил этиладиган ОТХЖ лари устав фондиди куйидагича тақсимлаш таклиф этилади:

26 % акцияларни давлат ҳисобида қолдирилади;

10 % корхона коллективига сотиш;

64 % акцияларни очик савдога кўйиш.

Акциялар сотишдан (эркин савдодан) тушган маблағларнинг 25 фоизини ташкил этилаётган ОТХЖ ларини модернизация қилиш, янги техника билан таъминлаш ва уларнинг газни ҳисобга олиш системасини такомиллаштиришга йўналтирилишини кўзда тутиш керак бўлади.

ХГТК ларини акционерлаштиришда, шаҳар ва туман миқёсидаги газ таъминоти корхоналарининг фаолиятини фаоллаштириш ҳамда манфаатдорлигини ошириш мақсадида, ҳудудий филиалларга мулкый ҳуқуқларни бериш ва уларнинг фаолияти назоратини акционерлик жамиятида қолдириш керак бўлади.

Янги ташкил этиладиган ОТХЖ ларини солиққа тортиш тартибини сақлаб қолиш лозим.

Давлатга тегишли акциялар пакетини ўрнатилган тартибда тендер асосида бошқарувчи компанияларга бериш керак бўлади.

Бизнинг фикримизга кўра марказлаштирилган тақсимлаш системасини баргараф этиш мақсадида ва барча хўжалик юритувчи субъектларга материал-техник ресурслардан тенг фойдаланиш шароитини яратиш мақсадида газ етказиб берувчи кўринишидаги ортиқча звено “Ўзтрансгаз” АК сини олиб сотувчи сифатида қисқартириш керак (яъни “Ўзтрансгаз” АК си олиб сотувчи эмас балки газтранспорт ташкилоти сифатида шартнома асосида иш юритиши керак), чунки бу корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли “Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида” ги қарорига зид равишда газ қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналардан табиий газни сотиб олиб қайта сотиш (олиб сотиш) фаолиятини амалга оширмақда.

Янги Ташкил этиладиган ОТХЖ ларни табиий газ етказиб бериш учун шартномани тўғридан-тўғри газ қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар билан (газни магистрал газ қувурлари орқали етказиб бериш нархларини ҳисобга олган ҳолда) тузиш таклиф этилади. Газ қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўз навбатида газни транспорт қилишга газтранспорт ташкилоти (“Ўзтрансгаз” АК си) билан шартнома тузади.

Бунда “Ўзтрансгаз” АК си ва Газ қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналари ўртасидаги мавжуд тармоқнинг ички дебитор ва кредитор қарзлари ҳисоботдан чиқарилади. Бундан ташқари маҳсулот таннархига таъсир қилувчи бир қанча бошқа харажатлар ҳам камайтиради.

Газ етказиб берувчи (Газ қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи) корхоналар ва янги ташкил этиладиган ОТХЖ ўртасидаги ҳисоб китоб чегараси қилиб “Ўзтрансгаз” АК си ГТС ларидаги ҳисоблаш узеллари белгиланади.

Молия Вазирлиги томонидан табиий газни етказиб берувчилардан сотиб олишнинг ҳудудлар бўйича бир хил нархлари (республика бўйича аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг умумий нисбатини ҳисобга олган ҳолда)

белгиланганлиги сабабли юзага келган ҳар бир ҳудуд бўйича турли даражадаги рентабеллик юзага келган.³

Молия Вазирлиги томонидан табиий газни етказиб берувчилардан сотиб олишнинг ҳудудлар бўйича дифференциацияланган нархлари (аҳоли ва улгуржи истеъмолчилар нисбатини ҳисобга олган ҳолда) ва аҳолига иссиқлик етказиб берувчи корхоналарга табиий газ нархларини дифференциацияланган ҳолда (асосан аҳолига иссиқлик таъминоти амалга ошириладиганлиги ва газ таъминоти корхоналари билан ўртадаги дебитор қарзларни камайтириш мақсадида) белгиланиши керак бўлади. Чунки бу билан ҳудудлар бўйича рентабеллик даражаси тенглаштирилади. Рентабеллик даражаларининг тенглаштирилиши ҳудудлардаги газ таъминоти соҳаларининг ривожланиши ва такомиллашувига тенг имкониятлар яратиши билан бирга ҳозирги кундаги уларнинг молиявий аҳолига табиий газнинг республика бўйича бир хилдаги сотиб олиш нархларининг салбий таъсири муаммоси бартараф этилади.

ХГТК ларида табиий газнинг амалдаги сотиб олиш нархларида ва дифференциацияланган сотиб олиш нархлари қўлланилгандаги рентабеллик даражалари таҳлили.⁴

Яъни дифференциацияланган нархлари жорий этилганидан сўнг корхоналарнинг молиявий имкониятлари тенглашади, шу билан бирга уларнинг рентабеллик даражалари ўртасидаги жуда катта фарқлар йўқолади. Бундан ташқари илгари жуда катта рентабеллик даражаси ва фойдага эга бўлган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ХГТК лари сотиб олиш нархлари туфайли харажатларнинг бир мунча кўтарилиши сабабли нормал даражадаги рентабеллик ҳамда фойдага эга бўладилар. Бунинг натижасида уларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни вақтида тўлай олмаслик муаммолари ҳал этилади, ҳамда соҳани эксплуатация қилишларига етарлича айланма маблағларга эга бўлишлари таъминланади. Жуда паст рентабеллик ва фойдага эга бўлган корхоналар дифференциация натижасида пастроқ сотиб олиш нархлари қўлланиши натижасида ўзлари учун етарли фойдага эга бўладилар. Шу билан

³ “Ўзтрансгаз” АҚси истикболдаги режа кўрсаткичлари.

⁴ “Тошкентгазтаъминот” УҚлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

бирга сотиб олиш харажатлари камайиши ҳисобига тежалган молиявий маблағларни соҳани ривожлантиришга йўналтириш имконияти юзага келади. Бундан кўриниб турибдики табиий газ таъминоти соҳасида республика ҳудудлари бўйича дифференцияланган сотиб олиш нархларининг қўлланиши ижобий натижаларни таъминлайди.

Газ босимини созлаш пунктлари (ГРП). Газ жиҳозлари ва ускуналари газнинг босими маълум миқдорда бўлганда нормал ишлайди. Одатда газлаштириш системаларида газнинг босими ўзгариб туради. Газ истеъмоли ошса, қувурлардаги босим пасаяди. Истеъмол камайса, босим ошади. Бундай ҳолларни йукотиш учун ва бир хилда босимни таъминлаб туриш учун газнинг босимини созлаш керак. Босим созлашдан асосий мақсад: босимни пасайтириш ва уни бир хилда ушлаб туришдир.

Одатда газнинг босимини ҳар қандай ёпиш қурилмаси ёрдамида созлаш мумкин. Газлаштириш системасида эса газнинг босимини автоматик равишда созловчи ускуналар-босим созлагичлар ишлатилади. Улар бошқа ёрдамчи ускуналар билан биргаликда газ созлаш пунктларида (ГРП) ўрнатиладилар.

ГРП лар махсус биноларда ёки металл шкафларда ўрнатилиши мумкин. Босим созлагичларнинг турлари ва схемалари турлича бўлиб, лекин уларнинг асосий вазифаси, битта яъни босимни пасайтириш ва уни белгиланган даражада ушлаб туриш. ГРП лар ҳар хил босимдаги газ қувурларининг боғловчи элементидир, яъни паст босимни ўрта ёки юқори босимга улаш ГРП орқали бўлади. ГРП да газ биринчи бўлиб филтрдан ўтади ва унда механик қўшимчалардан тозаланади. Филтрнинг тоза ёки ифлосланганлигини билиш учун газнинг ундан олдинги ва кейинги босими улчанади. Агарда филтёр тоза бўлса, босимлар фарқи катта бўлмайди. Филтёр ифлосланиши билан босимлар фарқи ошиб боради. Босимлар фарқи нормадан ошиб кетса, филтёрни очиб тозалаш керак. Бундай пайтда газ айланиб ўтиш қувуридан ўтказилиб, унинг босими қўлда иккита задвижка ёрдамида пасайтириб борилади.

Филтёрдан сўнг ПЗК ўрнатилган. Унинг вазифаси ГРП дан чиқишдаги газ босими 20 % дан ошиб кётганда ёки нормадаги босимнинг 10 % га тушиб колса,

ПЗК автоматик равишда газни беркитиб қуяди. Босимни ошган ёки пасайганини ПЗК чиқиш қузурига уланган импульс найчаси орқали билади ва бу босим ПЗК мембранасига таъсир қилиб, унинг клапанини беркитиб қуяди. ПЗК ни очиб ишчи ҳолатга келтириш учун шаҳаргаз ёки тумангаздан авария бригадасини чақириш керак. ПЗК дан сўнг босим созлагич ўрнатилган. Унинг вазифаси босимни пасайтириш ва бир хилда ушлаб туришдир. Кечаси истеъмол камайганда босим созлагич клапани ўз эгарига яхши урнашмаганлиги (беркилмаганлиги) сабабли газ ўтказиб, чиқиш газ қузурида босим ошишга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолни олдини олиш мақсадида ГРП ларнинг чиқиш қузурига сақлаш-чиқариб ташлаш клапани ПСК ўрнатилади. ПСК чиқиш газ қузуридаги босим $10 \div 15$ % ошганда бир қисм газни атмосферага чиқариб юборади ва чиқиш газ қузуридаги босимни пасайтириб, ПЗК нинг ишлаб кетиши олдини олади.

ПСК бўлмаганда кечаси босим ошса ПЗК ишлаб кетиб, газни беркитиб қўяр ва эрталаб истеъмолчилар газсиз қолар эди. Агарда ПСК ишлаб газни атмосферага чиқарганда ҳам босим ошиши давом этса, унда босим ошиши 20 % га ётганда ПЗК ишлаб газни беркитиб қўяди.

ГРП да асосий тармоқдан ташқари байпас (айланиб ўтиш) тармоқси бўлиб, унда иккита задвижка ўрнатилган. Агарда ГРП да таъмирлаш ишлари бажариш керак бўлса, асосий тармоқ беркитилиб, газ байпасдан ўтказилиб турилади ва унинг босими байпасдаги иккита задвижка ёрдамида пасайтириб турилади. Иккита задвижка қўйишдан мақсад, биринчи задвижка кўпол созлашга, иккинчиси эса босимни аниқ созлашга хизмат қилади.

ГРП лар бир босқичли ва икки босқичли, ҳамда битта босим созлагич, иккита ёки учта параллел босим созлагич ўрнатилган бўлиши мумкин. Бир босқичли ГРП ларда битта босим созлагич ўрнатилади. Икки босқичли ГРП да иккита кетма-кет уланган босим созлагич бўлади. Бундан мақсад, агарда ГРП дан ҳар хил босимда ишловчи истеъмолчилар газ олса шундай схема қўлланилади. Бунда биринчи босим созлагичдан кейин бир қисм газ юқорирок босимдаги газни истеъмол қилувчи истеъмолчига юборилади. Ундан кейинги

газни яна бир бор иккинчи босим созлагич босимини пасайтиради ва паст босимда ишловчи истеъмолчиларига узатади. ГРП лар битта босим созлагичли ёки параллел ишловчи жуфт босим созлагичли бўлиши мумкин. Агарда ГРП даги битта босим созлагич талаб қилинган сарфни таъминлаб беролмаса, унда параллел ишловчи иккинчи босим созлагич ўрнатилади. ГРП ларга киришдаги газ босимига қараб улар юқори ёки ўрта босим ГРП ларига булинади. ГРП лар газлаштириш системасига берувчи бўлиши мумкин. Уларни тармоқ ГРП лари дейилади. Тармоқ ГРП си шаҳар системасига газ беради, объект ГРП си эса саноат корхоналарига, козонхоналарга, коммунал хўжалик корхоналарига газ беради.

Аҳолига уй-жой ва коммунал хизмати кўрсатиш масаласи ҳал этилаётганда шуни эътиборга олиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланиши, юқорида айтилганидек фақатгина чегараланган талабнинг таъсири остида намоён бўлмайди. Бунда қатор самарадорликка эришиш лозим, яъни шу хизматларга эҳтиёжни шакллантириш зарур. Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимлари фаолият кўрсатишини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда оптималликнинг мавҳум мезонларига эмас, балки корхоналарга тегишли хизматларнинг мавжуд функциялари ва ваколатлари кенг тўпламини соддалаштирувчи ахборот асосида таркиблаш учун қулай восита ҳисобланган ахборот таъминотига асосландик.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда газ таъминоти соҳасининг ривожланиши ва ушбу соҳада хизмат кўрсатишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар, ундаги муаммоларни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш ва уни экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёдаги ўнта давлат каторига киради. Ўзбекистонда табиий газнинг катта қисми экспорт қилинади, ундан ҳам катта қисмидан халқ хўжалиги тармоқларида хом ашё ва ёқилғи сифатида фойдаланилади, қолган қисми эса аҳоли томонидан истеъмол қилинади. Экспорт қилинган товарлар ва хизматларда табиий газнинг ҳиссаси 10 фоиздан ошади;

Республика аҳолисининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси 83,2 фоизни шу жумладан қишлоқ аҳолисиники 75,5 фоизни ташкил этади. Бу нафақат Ўрта Осиёда балки дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардандир. Чунки ривожланган мамлакатларда аҳоли истеъмол қилган табиий газ миқдори 20 фоиздан ошмайди. Газ таъминотига хос кўрсаткич юқори бўлишига қарамай минтақада, кўпгина вилоятларда газлаштирилмаган қишлоқлар талайгина. Ана шу қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масаладир. Чунки қишлоқларнинг кўпчилиги ўтин ва кўмир каби бошқа турдаги ёқилғилар билан таъминланмаган;

Газ таъминоти соҳасига алоқадор муаммолар ичида хонадонларни газ ҳисоблагичлари билан таъминлаш ва газ сарфини тўлиқ назорат қилиш жуда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки табиий газга оид кирим-чиқим баланс бермаяпти. Табиий газни беҳуда йўқотилиши туфайли олинган табиий газ ҳажми билан уни истеъмол қилиш ҳажми ўртасидаги фарқ салмоқли даражадаги кўрсаткичларга тенг бўлмоқда. Мана шундай ва бошқа режалаштирилмаган “йўқотишлар”ни табиий газ ҳисоблагичлари кўрсаткичларини ўз вақтида олиш ва ҳисоб китоб тизимини такомиллаштириш ва истеъмол назоратини кучайтириш орқали олдини олиш мумкин;

Табиий газ билан барқарор тарзда аҳолини таъминлаш айниқса қиш мавсумида вужудга келадиган табиий газ тақчиллиги муаммолари, мавжуд қувурларни янгилаш, бунда қувурлар диаметрини ҳамда босими бўйича салмоғини ҳисобга олиш каби масалаларни ижобий ҳал қилиш орқали ўз ечимини топиши мумкин;

Аҳоли истемолчилари томонидан ностандарт газ жиҳозлари ва ёндиргичларидан фойдаланаётганлиги кўп миқдордаги табиий газнинг исроф бўлиши ва кўплаб нохуш ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, ушбу муаммонинг ечими ҳам газ таъминоти соҳаси учун муҳим аҳамият касб этади;

Худудий газ таъминоти корхоналари юридик шахс мақоми ва тугалланган балансга эга бўлганидан кейинги молиявий аҳволига табиий газни бир хилдаги сотиб олиш нархларининг салбий таъсири яъни уларнинг рентабеллик даражалари ўртасидаги кескин фарқларнинг юзага келганлиги ҳам муҳим иқтисодий муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммо табиий газни етказиб берувчилардан сотиб олиш нархларини худудлар бўйича дифференциация қилиш орқали ўз ечимини топиши мумкин;

Газ тармоқларига ноқонуний уланиб олиш ва газдан ноқонуний фойдаланиш (ўғирлаб фойдаланиш), табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ва аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ сарфини ҳисоблаш ускуналарининг ҳар ойлик кўрсаткичларини тўлиқ олиб чиқиш имкониятининг йўқлиги ҳам бугунги кунда газ таъминоти соҳасидаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммолар ечиш учун табиий газдан оқилона фойдаланиш (беҳуда йўқотишларни камайтириш), аҳоли газ ускуналарини стандартлаштириш, табиий газ истеъмоли устидан назоратни кучайтириш, истеъмолчиларнинг газ сарфини ҳисоблаш ускуналарига бир марталик номерланган тамғалар ўрнатиш, газ таъминотини тўхтатиб бўлмайдиган стратегик корхоналарни давлат томонидан молиявий соғломлаштириш орқали уларнинг тўлов қобилиятини ошириш бўйича ислохотларнинг амалга оширилиши керак бўлади. Ҳар ойда аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ сарфини ҳисоблаш ускуналари кўрсаткичини

тўлиқ олиб чиқиш ва аҳоли томонидан табиий газдан оқилона ва тўғри фойдаланиланиётганлигини назорат қилиб бориш имкониятига эса аҳоли хонадонларига дистанцион бошқариладиган газ сарфини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш ва уни шаҳар, туман миқёсида марказлашган ҳолда бошқариш тизимини жорий қилиш асосида газ сарфи устидан катъий назорат ўрнатилиши орқали эришиш мумкин.

Газ таъминоти соҳасида таркибий ўзгаришларни мақсадга мувофиқ амалга ошириш вазифаси ҳам муҳим муаммо – ҳисобланади. Газни қабул қилиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг мавжуд схемасини ҳисобга олган ҳолда “Ўзтрансгаз” АКси бозор муносабатларига мос келадиган бошқарув тизимига ўтиш йўли билан ушбу муаммо ҳал этилиши мумкин.

Шундай экан бу соҳани ривожлантириш учун албатта унга бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш орқали тўлиқ бозор муносабатларига ўтишини таъминлаш ва табиийки ушбу ишларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш лозим. Шу билан бирга газ таъминоти соҳасида қўлланилаётган нарх сиёсатини ҳам ислоҳ қилиш муҳимдир. Ўз навбатида бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши республика газ таъминоти соҳасининг келажақдаги ривожланиш истиқболини белгилаб беради.

– республиканинг газ таъминоти ҳамда яқин ва узоқ хориж мамлакатларига экспорт қилиш учун муқобил ёнилғи тури сифатида суюлтирилган газни газ қайта ишлаш мажмуалари негизида ишлаб чиқаришни ошириш;

– магистрал газ қувурларининг ишончлилигини таъминлаш дастурини амалга ошириш;

– 2018 йилгача бўлган даврга газ тармоғининг ривожланиши ҳамда энергия ва захираларни тежаш бўйича тасдиқланган дастурларни амалга ошириш;

– тармоқ ишлаб чиқаришини автоматлаштирилган бошқаришни ривожлантиришнинг концепциясини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистонда газ таъминоти тизими тараққиётига қисқача тўхтаб ўтарканмиз, шу ўринда юртбошимиз маърузаларида баён этган қуйидаги фикрлар билан хулоса қилишни лозим топдим.

“Бизнинг асосий узок муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади—бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохатларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир.

Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни жоизки, «бошқариладиган иқтисод» ёки «бошқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди.

Албатта биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз. Аммо, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида ўзини оқлаган бу тамойилнинг юқорида тилга олинган моделларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шу маънода, мустақиликни мустаҳкамлаш жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қоқоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим”.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ушбу заминда яшовчи ҳар бир инсон ўз ўрни, ақли, заковати ва билими, ижодкорлик фаолияти билан ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. : Ўзбекистон, 1997.
3. Ислом Каримов. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.07.1993 йилдаги № 371-сонли “Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.04.1996 йилдаги № 130-сонли “Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятининг айрим масалалари тўғрисида” ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Коммунал Хизмат Кўрсатиш вазирлиги томонидан 11.09.1997 йилда тасдиқланган (№ 92 сонли), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.10.1997 йил рўйхатга олинган (№ 370 сонли), ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Тоғконтехназорат инспекцияси билан 24.07.1998 йилда келишилган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан фойдаланиш қоидалари”.
8. Ўзбекистон Республикаси Коммунал Хизмат Кўрсатиш вазирлиги томонидан 1997 йилда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигидан фойдаланиш қоидалари”.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 278- сон қарори. Тошкент, 1999 й. 1 июн.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21 сентябр 1999 йилдаги № 439-сонли “Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2000 йил «Ўзбекистон республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 8-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 март 2002 йилдаги № 90-сонли “Табий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.03.2002 й. “2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги N 99-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 октябр 2003 йилдаги № 421-сонли “Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 й. N 57 – сонли “Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида” ги қарори

16. ҚМҚ 2.04.08-96. Газ таъминоти. Лойиҳа меъёрлари/ Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент, 1996, 81 бет.

17. Рашидов Ю.К. Газ таъминоти. Ўқув қўлланма. Тошкент архитектура-қурилиш институти. Тошкент, 2000.- 79 б.

18. Рашидов Ю.К., Саидова Д.З. Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция тизимлари Ўқув қўлланма. Тошкент архитектура-қурилиш институти. Тошкент, 2002. -146 б.

19. А.С.Сизоненко. Методологические основы совершенствования управления газовой промышленностью в современных условиях хозяйствования. Волгоград 2001 Издательство Волгоградского государственного университета, 2001.

20. Р.Айтматов. С.Бобоев. Ж.Алибеков. “Газ таъминоти”. Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003 й.

21. М.Б. Равич. Газ и эффективность его использования в народном хозяйстве. Москва “Недра” 1987.
22. А.Ю. Ляуконис. Оптимизация городского газоснабжения. Ленинград. “Недра” Ленинградское отделение. 1987.
23. Вяхирев Р.И. Будущее российского природного газа. Роль на мировом рынке // Газовая промышленность. 1997. № 8.
24. Вяхирев Р.И. и др. Стратегия развития газовой промышленности России. М.: Энергоатомиздат, 1997.
25. Гриценко А.И., Аكوпова Г.С. Экологические аспекты деятельности предприятий газовой промышленности // Юбилейный сборник научных трудов: 50 лет газопроводу Саратов — Москва / РАО «Газпром» и др. Т. 4. М., 1996.
26. Мировая экономика. Под ред. проф. А.С. Булатова.- М.: Юристъ, 2003,
27. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2003 год. Узстат. Т –2004.
28. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2004 год. Узстат. Т –2005.
29. “Ўзкоммунхизмат” агентлигининг 2000-2005 йиллардаги ҳисобот ҳужжатлари ва маълумотлари.
30. “Ўзтрансгаз” АК сининг ҳисобот ҳужжатлари ва маълумотлари.
31. http://research.rbc.ru/rev_full/1300065.shtml сайти маълумотлари.
32. www.lex.uz
33. www.oztransgaz.uz
34. www.ziyo.net